

ВАТАНПАРВАР

Фарзандларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётӣ позицияси шаклланимоқда, энг муҳими, улар Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топмоқда.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ
МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, 13 апрель, жума № 15 (2194).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 13 апреля, 2007 год, № 15 (2194).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу — цена договорная

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 апрель куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Испания Қироллигининг ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди.

— Биз нафақат ЕХХТнинг амалдаги раиси, айти пайтда Ўзбекистон билан дўстона муносабатларга эга мамлакат — Испания ташқи ишлар вазири билан учрашиб турибмиз, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Маълумки, мазкур ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирилари ҳар йили навбат билан унга раислик қилади. Бу Испания Қироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиноснинг ЕХХТ раиси сифатида Ўзбекистонга илк ташрифидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йилнинг январь ойида Испания Қироллигига давлат ташрифи икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни янги босқичга кўтарди. Испания Ўзбекистонга минтақамиздаги етакчи мамлакат сифатида қарайди.

Ушбу халқаро ташкилот раҳбарияти эътироф этганидек, 1992 йили ЕХХТ сафидан жой олган Ўзбекистон демократик институтларни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш орқали хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидан изчил бормоқда. Ўзбекистоннинг ушбу халқаро ташкилот ишидаги фаол иштироки ЕХХТ кўп қиррали ва самарали фаолият юритишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шу боис ЕХХТ мамлакатимиз раҳбариятининг ушбу халқаро ташкилот билан самарали ҳамкорлигини юксак баҳолайди.

ЕХХТнинг амалдаги раиси Марказий Осиё ушбу ташкилот учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини, Ўзбекистондаги барқарор иқтисодиёт ва ривожланган фуқаролик жамияти, мустақам тинчлик ва осойишталик ҳамда самарали бошқарув Евроосиё ва Трансатлантика минтақаларида хавфсизликни таъминлашда муҳим ҳаётӣ омил эканини таъкидлади.

Испаниянинг ЕХХТга раислиги даврида ташкилотга аъзо давлатлар ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, хусусан, террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш масалаларига эътиборни кучайтириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, ташкилотнинг нуфузини янада ошириш ва бошқа масалалар устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон ва ЕХХТ муносабатларининг бугунги аҳволи ҳамда истиқболлари хусусида атрафлича фикр алмашилди.

Ў.А.



Хушёрмиз, сергакмиз сарҳадларингда!

МЕҲР-ОҚИБАТ БОР ЖОЙДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги матурусида юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш олдимизда турган барча вазифаларни амалга оширишда катта пойдевор бўлиши алоҳида таъкидланди.

Бунда маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Шу боис юртимизда маҳаллаларга қаратилган юксак эътибор туфайли ушбу институтнинг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Уларнинг равнақи учун зарур шарт-шароит яратилиб, фаолиятнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Тегисли қону ҳужжатлари асосида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла педобони каби тузилмалар иши йўлга қўйилди.

Маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар самардорлигини оширишда бу ишлар учун масъул кишиларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими фаолиятига оид қону ҳужжатларидан яхши хабардор бўлиши ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий билими ҳамда раҳбарлик маънасини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу борда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир ҳаракат дастури ҳам қабул қилинган. Шу асосда Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги зарур чора-тадбирларни амалга оширяпти.

Мамлакатимизнинг деярли барча туман ва шаҳарларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари рангари иштирокида ўқув семинари ўтказилди, — деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлими бошлиғи, подполковник Абдуҷаббор Абдунабиев ў.А муҳбирига. — Асосий эътибор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларини мазкур тузилма фаолиятига оид янги меъриий ҳужжатлар билан таништиришга қаратилди. Маҳаллаларда тинч-

лик ва осойишталикни таъминлашда маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, ёшларнинг жамият равнақидаги фаоллигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борисида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилан олди.

Бу вазифаларнинг ҳаётда ўз ифодасини топиши халқимиз осойишталиги ва фаровонлигининг асоси бўлиб хизмат қилаётганини пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Журжоний номидаги маҳалла мисолида кўриш мумкин. Уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бу маскан, аввало, ободлиги билан кўзини қувонтиради.

— Маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамкорликда фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган янги бинода иш бошлаганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди маҳалла оқсоқоли Бахтинур Саидов. — Аммо бу қулайлик ишимизга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб улгурди. Аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар учун фойдали ўқув курслари, кичик бизнес шохобчаларини кенгайтириш имконияти туғилди.

Маҳаллада бекорчи кишини учратмайсиз. Одамлар қувончу ташвишларини маҳалла оқсоқоли билан баҳам кўриши муаммолар юзга келишининг олдини олишга хизмат қилапти. Шунинг учун ҳам маҳалла муҳити соғлом. 2005 йилдан буён бу ерда бирорта ҳам жиноят қайд этилмагани бу фикрнинг тасдиғидир.

Шу боис маҳалла аҳли жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» ташкилида биринчи ўринни қўлга киритган.

II. АБДУРАИМОВА,
Ў.А муҳбири.



Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

МАҚОМ ВА МАҲОРАТ СИРЛАРИ

1. Халқ руҳиятининг мусиқий ифодаси

Кейинги даврларда мумтоз ашулаларни соғиниб яшайдиган бўлди одам. Бизнинг ёшлик даврларимизда радиостанциялар қатъи назар, саҳнага чиқиб олиб тонг саҳарда мақом куйлари билан бошланиб, ярим тунда мақом наволари билан тугалланар эди. Образли айтганда, мақом билан кўз очиб, уйғониб, мақом билан кўз юмар ухлар эди халқ. Телевидениеда мақом оҳанглари ва мақом куйлари билан айтадиган мумтоз ашулалардан дас-таланган доимий махусе кўрсаткичлар бўларди. Эндилекда замонавий енгил-елли кўшиқлар ҳаммақни кўнмб ташлади. Бундай кўшиқларнинг ҳалдан ташқари

(Давоми 8-бетда).

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда ахборот-ресурс маркази иш бошлади.

Юртимизда кутубхона тармоғи ишини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, ёш авлод интелектуал эҳтиёжини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий кадриятларни сақлаб қолиш ва бойитишга йўналтирилган янги ахборот марказларини барпо этиш, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратишга оид кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу бордаги ишларни янада жадаллаштириш имконини бермоқда.

Қарорга биноан аҳоли, айниқса, ёшларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва ўз билиминини мустақил равишда бойитишга кўмаклашиш, миллий маънавий-ахлоқий кадриятларини кенг қўламли тарғиб қилиш Ахборот-ресурс базаларининг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Университет ахборот-технологиялар маркази раҳбари Машрабжон Мама-товнинг таъкидлашича, ушбу таълим даражасида мавжуд уч миллион нахуадан ортқ адабиёт, шу жумладан бир ярим мингдан ортқ ноёб китобнинг электрон вариантини тайёрлаш, марказдаги мавжуд дастурларни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш талабаларга зарур ахборотни тез фурсатда олиш имконини беради.

Назозат УСМОНОВА, Ў.А.

Ўзбек халқи ҳеч қачон,
ҳеч кимга қарам бўлмайди



АДОЛАТИ, ЖАСОРАТИ ОЛАМГА ДОСТОН

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сониди).

Амир Темур даврининг Нақшбандия гоёлари асосида шаклланиб мафқураси ҳазрат Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари сиёсати мазмуни ва мақсадларига ҳам таъсир этмай қолмади. Масаланинг моҳиятига обдон киришмасдан ҳарбий юришлар ва Нақшбандия тариқати гоёлари бир-бирларига муқояса этилса, албатта, бир-бирига тамоман зид тушунчаларга юзма-юз келишимиз мумкин. Лекин масала чуқурроқ ўрганилса, Амир Темурнинг ҳарбий юришлари даврида содир бўлган тарихий воқеа-ҳодисалар обдон таҳлил этилса, буюк саркарданинг ҳар-

бий юришлари мазмуни-мақсадларини ҳам ўз мафқуравий гоёларига бўйсундирилганлигини кўрамиз.

Албатта, урушлар, вайронгарчиликлар ҳамда ободончилик ўз моҳиятларига кўра бир-бирларига зид, мантқан бир-бирини инкор этувчи тушунчалардир. Амир Темур эса ҳазилакам юришлар қилмади. У ўз умрининг кейинги 25 йили давомида Жануби-Шарқий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига бирин-кетин юришлар қилди. Бу юришлар ва жанглар натижасида кўплаб мамлакатлар фатҳ этилди. Темур империясининг ҳудуди кенгайди. Шу билан бирга катта талафотлар ҳам бўлди. (Давоми 3-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи,
халқ фаровонлиги



ОЛАМ УЗРА ДОНФИ КЕТГАН ЗАМИНИМ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сониди).

— Биз ушбу қатламларни ўрганиш, уни амалда неботлашимиз керак, — дейди суҳбатдошим. — Тўғри, бу жуда мураккаб иш. Ҳозирда хорижий давлатлардан келган мутахассислар бу муаммони ечишга жуда қизиқшимизда. Масалан, Исроилда ишлаб чиқарилган замонавий археологик технологиялар ёрдамида озгина кўмир кукунининг ҳам қайси даврга хослигини аниқлаш мумкин. Жорий йил давомида мутахассислар қазимша ишларини олиб бо-

риб, қатламларни ўрганишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

Агар бу қазималар тахминларини неботласа, нафақат Марказий Осиё ҳудуди, балки бутун дунё учун яна бир янгилик бўлади.

Айни пайтда олимлар томонидан юртимиздаги бошқа даврларга хос бўлган маданий қатламларни ўрганишга ҳам жиддий киришилган. Масалан, франциялик мутахассислар билан Археология институтини олимлари бир қатор ишларни амалга оширишмоқда. (Давоми 8-бетда).



2 АБЛО ХИЗМАТИМИЗ
— СЕНГА ЖОН
ВАТАН!

БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ
АНГЛАНГАНИДА



3 АМИР ТЕМУР —
АВЛОДЛАР
ХОТИРАСИДА

АДОЛАТИ, ЖАСОРАТИ
ОЛАМГА ДОСТОН



4 ЧАҚИРУВ — 2007

КЎҲНА НАСАФНИНГ
ЎТЮРАК
ФАРЗАНДЛАРИ



10 YOSHLAR —
KELAJAGIMIZ
EGALARI

СЕСТРА СОЛДАТА

Президент табригидан руҳланиб

ПОСБОН БЎЛАР ЙИГИТНИНГ МАРДИ

Президентимиз, Қуrolли Кучлар Олий Бош қўмондон Ислам Абдуғаниевич Каримов «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да шундай таъкидлайди: «Барча бўғиндаги командирларнинг энг муҳим вазифаси — армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдир учун чуқур масъулият туғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришдан иборат эканини яхши англаб олишимиз зарур».

Юртимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуrolли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва илчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армияни шакллантириш йўлида кўламли ва моҳияти жиҳатидан том маънода улкан ишларни амалга оширдик.

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлганидек, ҳарбий соҳада ҳам ислохотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Биз ўз олдимишга мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қуrol-яроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни самарали ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва ҳужумларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган кучли армияни яратишни мақсад қилиб қўйган эдик.

Ушбу вазифани бажариш учун чегаравий минтақалар, ҳарбий округлар тузилди. Қуrolли Кучларимизнинг таркиби ва жойлашуви қайта қўриб чиқилди, уларнинг ўзаро уйғун ҳаракатини таъминлайдиган ва мувофиқлаштирадиган яхлит тизим барпо этилди.

Қуrolли Кучлар Бирлашган штаби ўқув-масъул таъйёрлиги, тезкор-стратегик бошқарув ва режалаштириш, қўшинларнинг жанговар фаолиятини ташкил этиш сингари масъулиятли ишларга самарали раҳбарлик қилмоқда.

Қуrolли Кучларимизда амалга оширилган ташкилий-таркибий ўзгаришлар ҳам қувонarli. Самара бермайдиган бўлишлар тугатилди.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилга келтирилганлиги қаҳридувчиларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам айни кўнглидаги иш бўлди. Бугун аскар бўлишни хоҳловчилар кўп, бироқ бунинг учун фақат хоҳишнинг ўзи етарли эмас. Аскар бўлиш учун ҳар томонлама муносиб бўлиш керак. Кўплаб талабгорларни ортда қолдириб, устига ҳарбий либос кийиш учун ҳам жисмоний жиҳатдан, ҳам маънавий жиҳатдан етук бўлиш талаб этилади. Муддатли ҳарбий хизматчиларга берилаётган имтиёзларни айтмаймишми? Биргина олий ўқув юрталарига кириш учун бериладиган тавсияномани олиб кўрайлик. Ҳар томонлама аъло хизмат қилиб, тавсияномани кўлга киритган аскар олий ўқув юрталарига ўқишга киришда тест синовларида тўпналиши мумкин бўлган энг юқори баллининг йиғирма беш фоизлик имтиёзига эга. Контракт-шартнома бўйича ўқишга кирса, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолиятида фаол иштирок қилса, ҳаракат уларнинг ўқиш учун тўланадиган маблағининг ўттиз беш фоизини тўлашни ўз зиммасига олади.

Сафарбарлик қаҳридувчи резервидаги хизмат тўғрисида кўп ёзилмоқда. Бу хизмат ана шу хизмат турини ўтаётганларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам беҳад қувонтираётганлигини таъкидлаш жоиз.

Қуrolли Кучларимизда ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабига ўқийман деганлар сони ойдан ойга кўпайиб бормоқда.

Олий ҳарбий билим юрталарига ўқишга кириб, офицер бўламан деганлар ҳам жуда кўп.

Аён гап, бугун биз мураккаб бир даврни бошимиздан кечирмоқдамиз. Жаҳонда терроризм, ашадли жангариллик, нарқобизнес хуружи каби бало-қазоларнинг энг муқаддас неъмат бўлиши инсон ҳаётига таъвоузи ҳамон сезилиб турибди.

Биз ҳеч қачон халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳарбий йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлмаганимиз, бўлмаймиз

ҳам. Бироқ, минтақадаги мураккаб ва кескин ҳарбий-сиёсий вазиятни инобатга олган ҳолда, миллий хавфсизлигимизни ҳимоя қилиш каби юксак бурчимиз ҳақида бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз зарур.

Буларнинг барчаси давлатимиздан, жамиятимиздан, Қуrolли Кучларимиздан ҳушёрликни янада ошириши, армиямизнинг жанговар қудратини ҳар томонлама юксалтиришни тақозо этади.

Бугунги кунда ҳарбий ислохотларимиз шундай босқичга ўтдики, унда ташкилий ва тарбиявий ишларнинг амалий жиҳати бизнинг барча режа ва тадбирларимизнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда. Бу ўз ўрнида барчамиздан ишларимизнинг муваффақиятли гарови бўлиши хизматга янгича ёндашув, ишбилармонлик, ташаббускорлик ва масъулиятни талаб этмоқда.

Ҳарбий фаолиятнинг янги тамойиллари — шахсий таркибнинг профессионал таъйёрлигини ошириш, ҳарбий ҳаракатнинг янги усулларини ўзлаштириш, қисмларнинг моддий-техник таъминотини юксалтириш, ташкилотчилик ва тартибот ишларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳамда ривожланган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳарбий ҳамкорликдир.

«Ғалаба қўшинининг сони билан эмас, жангчининг ботирлиги, иродаси, сабр-матонати ва ҳарбий маҳорати ҳисобига келади». Буни доимо ёдда тутмоқ керак.

Қўшинлар, қисмлар ва бўлинмалар жанговар шайлигини, шахсий таркиб ҳушёрлигини Олий Бош қўмондон кўрсатмалари ва талаблари асосида ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазиятга жавоб бера оладиган янги юксак даражага кўтариш барча тоифадаги командирларнинг асосий вазифасидир.

Ҳарбий хизматчиларнинг профессионаллаштириш борасида ишлар янада кучайтирилиши зарур. Бу нима дегани? Ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзига бириктирилган жанговар техника ва қуrolдан маҳорат билан фойдаланишни, жанговар ишдаги аниқ ҳаракат ва усулларни, ҳарбий кадрларнинг тактик жиҳатдан юқори билим ва кенг дунёқарашга эга бўлишини, ўз бурчин бажаришда шахсий масъулиятни чуқур англашни билдиради.

Ҳарбий хизматчини интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш — муҳим омили. Тарбиявий ишлар савияси ва самарадорлигини кўтариш командирлар ва тарбиявий ишлар органларининг энг муҳим вазифасидир. Бунинг учун эса барча командирлар профессионал ва руҳий-педагогик жиҳатдан билимдон, виждонли, ҳалол, изланувчан бўлишлари лозим. Шу бонс ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва жойлаштиришда кўйиш худди мана шу масалани ечишга қаратилмоғи керак.

Биз дунёда ягона Ўзбекистон деган хур дўстнинг фарзандларимиз. Уни севиш, асраш, авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Мустақиллик осонлик билан кўлга киритилгани йўқ. Истиклодимишни янада мустаҳкамлашимиз учун фидокорона хизмат қилмоғимиз жоиз. Ватанпарварлигимиз эл-юрт манфаати учун қиладиган ҳар бир ишмишда акс этиб турмоғи керак. «Мен Ватан учун нима қилдим», деган савол ҳар он, ҳар дақиқа бонг уриб турмоғи даркор. Ўзбекистон халқ шoirи Иқбол Мирзо шундай ёзади:

«Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт, Сени гудек эрқалаган чаман учун. Осмонларда юрган бўсанг, тупроққа қайт. Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?»

Мазкур саволга Ватанимиз ҳимоячилари қандай жавоб беришлари мумкин? Бунинг учун қисм ва бўлинмаларда ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу борда, биринчи навбатда, талабчанлик, бажарувчанлик, одамларга гамаҳўрлик каби фазилатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишмоғи лозим. Ҳар бир қисм, бўлинмада ҳарбий хизмат, кундалик ҳаёт ва турмуш тарзини интизомлар талаблари асосида мувофиқлаштириш керак.

Хулоса қилиб айтганда бўлса, шахсий таркиб тарбияси ишининг самарадорлигини ошириб бориш, ҳарбий хизматчиларда Ватанимиз хавфсизлиги, унинг худудий яхлитлиги ва халқимизнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун юксак масъулият ҳиссини юқори даражага кўтариш ҳар бир офицернинг, командирнинг энг муҳим вазифаси бўлмоғи лозим.

Абдураззоқ ОБРЎЕВ.

АМИР ТЕМУР — АВЛОДЛАР ХОТИРАСИДА

АДОЛАТИ, ЖАСОРАТИ ОЛАМГА ДОСТОН

ғишт олсам, ўрнига ўн ништ қўйдирдим, бир дархат кестирсам, ўрнига ўнга кўчат эктирдим», — деган сўзлари бежиз айтилмаган, албатта.

Шу ўрнида, Амир Темур урушлар оқибатида юз берган вайронгарчиликларни ўзи қайтадан тугатар, обод этар экан, уруш қилишнинг нима ҳождати бор эди? деган табиий савол туғилиши мумкин. Бу саволга жавоб топиш учун авваламбор ҳазрат Соҳибқирон дунёга келиб улғайган даврини бир қарра кўз ўнгимизга келтирайлик. Амир Темурнинг ёшлик, йигитлик чоғлари Марказий Осиёда Чингизхон империяси аста-секин емирилаётган, унинг ўрнига юзага келаётган майда-майда феодал давлатлар ўртасида ур-тўполонлар, бир-бирлари устига бостириб боришлар, қамал қилишлар, уруш-жанжаллар кучайиб кетган бир даврга тўғри келади. Амир Темур шундай бир даврнинг фарзанди сифатида, табиийки, ана шу тарихий шароит доирасида чиқиб кетолмас эди. Бу биринчидан бўлса, иккинчидан, умуман инсоният тарихида урушлар, босиб олишлар бўлмаган мамлакатлар деярли йўқ, бинобарин, урушлар қарийб урфга айланган қолган.

Лекин, Амир Темур ҳарбий фаолиятини сиңичиклаб ўрганган киши шу нарсани сезмаслиги мумкин эмаски, ўз ҳарбий юришлари олдига ана шу урфини давом эттириш, зўравонлик қилиш, бошқа мамлакатларни босиб олиш, одамларга бераҳмлик билан улар бошида қамчи ўйнатиш мақсадини қўйган эмас. Унинг ҳарбий сиёсати давлатни бошқаришнинг бошқа соҳалари сингари асосан адолатга ва бунёдкорликка қаратилган. Бу ғоя, шунчаки, айтиб қўйилган ғоя эмас, давлатни бошқаришнинг асосий тартиб-қоидаларини белгилаб «Темур тузуқлари»да муҳрланган ҳамда Амир Темур ҳарбий фаолиятида амалда қўлланилган ғоядир. Бинобарин, бу ғоя ҳатто Амир Темурдек буюк шахсининггина эмас, балки у бошқарган буюк давлатнинг адолат ва бунёдкорлик ғоясидир. Тарихий ва замонавий манбаларда қайд этилганидек, Амир Темурнинг ҳарбий юришлардан кўзланган асосий мақсади марказлашган қудратли давлат барпо этиш, шу йўл билан ўз мамлакатига тинчлик, оёйишталлик ўрнатиб, ипак йўлини қайта тиклаб, унинг шарт-шароитларини яхшилаш орқали савдо-сотиқни жиддий равишда ривожлантириш, халқлар ва мамлакатлар ўртасида маданиятлар алмашинуви жараёнини яхшилаш ва ҳоқазо савоб ишлардан иборат эди. Бу мақсаднинг моҳиятини пайқатган ва Амир Темур империяси таркибига киришга хоҳиш билдирган ҳукмдор ва мамлакатлар ҳазрат Соҳибқироннинг олқишига сазовор бўлганлар. Шу билан бирга, ўз мамлакатларида ҳукмдор лавозимида қолиб, иқтисодий, маданий тараққиётга кенг йўл очганлар.

Баъзи мамлакатларда адолат поймол этилган, ҳукмдорнинг халққа жабр-зўлим кучайган ҳоллар ҳам Амир Темурнинг шу мамлакатлар ҳукмдорларига қарши қилиб кўтариб боришга ундаган. Бундай қилишни, ўша мамлакатларда адолат ўрнатиб, халқ манфаатига йўл очилишини Амир Темур давлати мафқураси тақозо этар эди. Зеро, бу мафқуранинг адолат ҳамда бунёдкорликка оид ғояларини ҳаётга таъбиқ этишнинг буюк ижрочиси, ислом дини, Нақшбандия тарихати ўта оидил ғояларининг отабини тартиботчиси сифатида ҳазрат Соҳибқирон ўз зиммасига олган бу юмушнинг энг савоб ҳаракатлардан бири эканлигини чуқур англаган. Бу ҳусусда «Тузуқлари»да қўйилганларини ўқиймиз: «Бирон мамлакатда жабр-зўлим ва фисқу фасод кучайиб кетаркан, аёл подшоҳлар адолат ўрнатиб, фисқу-фасодни, зулмин йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга ҳужум бошлаш лозим. Тангри таоло шу ниятнинг шарофати билан мамлакатни золмининг қўлидан тортиб олиб, одил (подшоҳ)га топширади». Кўринадикки, Амир Темурнинг юқорида баён этилган зарурат асосида қилган ҳарбий юришлари ҳам улкан бир савоб ишининг, адолат ўрнатиб, исқонжогата олинган халққа озодлик бериш, элин маъмур қилишнинг тақозоси туфайли амалга оширилган. Қайд этиш керакки, ана шундай савоб мақсадларни назарда тутган уруш ва курашлар ҳамма замонларда ҳам, жумладан, биз яшаб турган ҳозирги замонда ҳам қораландмайди; уларга адолат ва тинчлик ўрнатилиши, халқлар бахт-саодатини кўзлаган, тараққиётга йўл очилишини бир воситаси, мажбурий усуллари деб қаралади. Чунонинч, дунёнинг кўп мамлакатларида рўй бериб турган диний экстремизм ва бошқа ёвуз кучларга қарши курашлар шунга далилдир.

Амир Темур қайси сабабларга кўра жанг қилган ва қайси мамлакатни забт этган бўлмасин, у ерда зулдлик билан ўзининг асосий мақсадини ҳаётга жорий этишга киришган. Мамлакат аҳолисининг аҳволини сўраб-суриштирган етим-есирлар бошини силган, олим-фозилларни сийлаб, уларнинг ижодларини учун кенг шароит яратган, адолат ва тинчлик ўрнатган. «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, — деб

ёзда ҳазрат Соҳибқирон, — ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим; сайдиларни, уламо-ларни, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва хурматладим. Уларга суюрғол вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг удуларини ога-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим. Улуғларини ва шароф-эътиборли кишиларини хурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эзинини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим». Бу сўзлар ҳазрат Соҳибқироннинг фаолиятида ҳоимий қўлланиб келинган амалий қондалардир. Буни Амир Темур тарихин билан ва ҳозирда унинг фаолиятини ўрганаётган жаҳоннинг аксарият тадқиқотчилари аниқ, тарихий далиллар билан тасдиқлайдилар. Амир Темур қайси мамлакатни забт этмасин, у ерда ободончиликка, бунёдкорлик ишларига кўпроқ эътиборни қаратар эди. Амир Темур ҳарбий фаолиятининг асосий мақсади марказлашган қудратли ва обод салтанат барпо этишдек улғувор мақсад мазмунидан келиб чиқиб, пировард натижада ҳосил бўлган катта бир худудда тинчлик, оёйишталлик ўрнатиб, савдо-сотиқни ривожлантириш, бугун худудни обод, гўзал диёрга айлантиришни назарда тутар эди. Шунинг учун ҳам ободонлаштириш, йўллар, кўприклар, работлар, масжиди мадрасалар қуриш, сувсиз ерларни боғу бўстонга айлантириш, урушлар туфайли юзага келган вайроналарни тугатиш, улар ўрнига гўзал иншоотлар барпо этиш аниқгина зарур вазифалардан ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам забт этилган мамлакатларни обод қилиш зарурати Амир Темурга тинчлик бермас, иккинчидан эса, Амир Темурдек адолатпеша ва буюк саркарда, юксак маънавияти билан етти иқлимга донг таратган шахсининг мамлакат ободлигига бепарво қарашини ҳеч бир қонуи-қондага мос тушмасди. Шу бонс ҳам ҳазрат Соҳибқироннинг ободончиликка бевосита ўзи бош бўлиб туриши, бу ишларни ҳимоя этиши табиий бир ҳол эди. Ҳазрат Соҳибқирон забт этган мамлакатлари халқларини ҳам ўша мамлакат ободончилигига жалб этиш йўлларини яхши билар ва бу усулдан унумли фойдаланар эди. Халққа турли имтиёзлар бериш йўллари билан ҳам одамларни ободончилик ишларига ундар эди. Бу ҳусусда «Тузуқлари»да баён этилган қўйилган қонда ғоят муҳимдир: «Яна амр этдимки, кимки бирон саҳронин обод қилса ёки қориз кўра ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон ҳароб бўлиб ётган ерини обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нараса (яъни, солиқ — Н.Ф.) олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини оленилар, учинчи йили эса (олиқ-солиқ) қонуи-қондага мувофиқ хирож йиғинилар. Нечоғлик олий савоҳат! Ўз ерини, ўзи яшаб турган жойини, ўз улқасини обод қилгани учун амалда икки йил солиқдан озод! Бу, албатта, олижанобликдан ташқари, юртин обод этишнинг муҳим воситаси ҳам эди.

Империянинг узок юрталарида ҳазрат Соҳибқироннинг ўзи бош бўлиб бунёд этган иншоотлар, бор-роғлар, ирригация қурилишлари, маданий-маъиший бинолар ва ҳоқазоларнинг кўлами ғоятда кенг эди. Амир Темур хоҳ Самарқандда, хоҳ сафарда бўлсин, бирор жойда озроқ тўхтаб турса, албатта бир хайрли ишни амалга оширар эди. Чунонинч, Хуросонга юриш чоғида (1381 йил) Мурғоб vodiёсида тўхтаб, қўшинларига ўша дарёдан ариқлар чиқаришни буюрди. Бу иш қисқа фурсатда бажарилди, Мурғобдан 16 та ариқ чиқарилиб, маҳаллий халққа оми-ҳаёт олиб келинади. Яна бир мисол Амир Темур Мурғоб юриши олдидан (1401 йил) Қорабоғда қишлаб турган чоғида Арас (Аракс) дарёсини сув оладиган бир ариқ қаздиради. Барлос номи берилган ва узунлиги қарийб 80 км. келадиган бу ариқ бир ойма яқин мудат ичда кўриб битказилган, унда кемалар қатновни ҳам йўлга қўйилган. Ҳазрат Соҳибқирон юриши охирида, 1403 йилда Қорабоғда яна маълум мудат қишлаб учун тўхтади ва катта бир хайрли ишни амалга оширади. Муҳандислар ва қурувчилар томонидан тайёрланган аниқ режа-лоёҳга асосида мўғуллар ҳукмронлиги даврида вайрон этилган Бойлакон шаҳрини қайта тиклайди. Уруш туфайли вайронатга айланган Бағдод шаҳри ҳам Амир Темурнинг фармонига мувофиқ қайта тикланган. Бир йил ичда шаҳар қайтадан аввалги қиёфасига келтирилади, унда хунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданий ҳаёт ривожланади.

Юқоридигилардан кўриниб турибдики, ҳазрат Соҳибқирон ўзининг ҳарбий сафарларида ҳам улдук-сиз ободончилик ишлари билан машғул бўлган. Бундай фаол ҳамда савоб фаолиятнинг замирида даставвал Амир Темур шахсиятига мансуб энг яхши фазилат ва энг муҳим, жамият маънавияти асосидаги давлат сиёсатининг ҳаётбахш қудрати, тинчлик, оёйишталлик, яратувчанлик, ободончилик каби ғоялари ётар эди.

Анвар ОЛИМОВ.

СОҲИБҚИРОН ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

9 апрель куни Халқаро Амир Темур жағмараси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 671 йиллиги муносабати билан анъанавий «Амир Темур» танловини ўтказди. Ушбу танловга тарих, тасвирий санъат, амалий санъат ва ватанпарварлик йўналишида бажарилган ишлар ҳакамлар эътиборига тақдим этилди.

Қуrolли Кучлар Академияси шахсий таркиби ҳам доимий равишда анъанавий тадбирда ўзларининг амалий ва назарий ишлари билан фаол иштирок этиб келмоқдалар. Бу йилги ўтказилган тадбирда ҳам умумий тактика ва жанг тарихи кафедраси ўқитувчиси офицер Соҳибжон Мамажоновнинг «Амир Темурнинг ҳарбий санъати» ўқув қўлланмаси тақдим этилган эди. Мазмун-моҳияти ва долзарблиги билан бу ўқув қўлланма танловда биринчи ўрнига лойиқ топилди. Ўқув қўлланма муаллифи офицер Соҳибжон Мамажонов «Амир Темур» жағмараси давомида ҳам ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Соҳибжон Мамажоновнинг эришган ютуғи Академия офицер — тинловчилари орасида бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурга бўлган ҳурмат ва эътиромнинг ҳамда ватанпарварлик туғусининг юксак белгисидир.

Подполковник Ўқтам АСЛАНОВ.



БҲЮК САРКАРДА ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Саҳна пардалари очилиб саҳнага «Чўли ироқ» наволари остида (Ўзбек давлат миллий академик театри актери, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ижросида) Амир Темур чиқиб келди. Залин гўлдириб ўтирган томошабинлар бир зумга бўлса-да замонлар оша хаёлан XIII-XIV асрларга саёҳат қилди десам, мунобола бўлмас. Буюк Соҳибқирон монолоғи, замондошларига қарата айтган ҳамда бугунги кунда ҳам ҳаётийлигини йўқотмаган ўнгилари ҳарбийларнинг оила аъзолари ва Қуrolли Кучларимиз хизматчилари, айниқса юрт побобошларини жунбўшга келтирди... Марказий офицерлар саройида Амир Темур таваллудига бағишланган адабий-бадний тадбир ана шундай тарзда бошланди.

Тадбирга тақдир этилган меҳмонлар — тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридати Давлат ва жамият қурилиш академияси ихтисослашган кенгаш аъзоси Ҳамдам Солиқов, Ўзбекистон фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими Фазлiddин Раҳимов буюк бобокалонимиз раҳнамоллигида бунёд этилган масжиди мақбаралар, меъморий ёдгорликлар, қаттиқ тарбих-инти-


зом ва адолат мезони остида олиб борилган мамлакатини бошқарув тизими ва бошқалар ҳақида фикр юритдилар.

Дарвоқе, меҳмонларнинг Соҳибқирон шахси ва ҳаёти билан боғлиқ саволлари томошабинларни шошириб қўйгани йўқ. Аксинча, бу илмга чанқоқ ва буюк аждодаларга муносиб воқеа бўлишга интилувчан Ватан ҳимоячиларига ўз билимларини яна бир бора намоиш қилишга имкон берди. Ҳатто «Темур тузуқлари»дан парчалар келтириш ўзаро беллашувга ҳам айланиб кетди.

Қуrolли Кучлар Марказий ашула ва рақ ансамбли санъаткорлари ижросидаги гўзал кўшнқлар олимлару ижодкорлар, қўли гул хунарманд ва усталарнинг раҳнамоси, жанговар санъат билимдонли, адолатли ва маърифатпарвар ҳукмдор таваллуди бағишланган тадбирга янада фойдаланган.

Тадбир сўнгида Мурғобфаа вазирлиги масъул офицери Солиқов Ортиқ меҳмонларга миннатдорчилик билдириб, уларга юқори кўмондонлик номидан Фахрий ёрликлар топширди.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ. Капитан Дилёвер АБЛАЕВ суратга олган.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Катта-кичик шаҳарлар вайрон этилди, икки тарафдан ҳам кўп одамнинг қони тўкилди. Афески, бундай ҳолатлар азал-азалдан урушларнинг битилмаган ва муҳим қонунилари ҳисобланиб келинган. Яна ҳам афески томон шундайки, қўли балабд келиб ғолиб чиққан тараф қўнича уруш ҳаробаларини ободонлаштиришга қўл урмаган. Қарангки, урушларнинг бу «қонуни» Амир Темур фаолиятида таназулга учради. Улуғ амир урушлар туфайли ишдан чиққан халқ ҳўжалигини тиклашни, вайронгарчиликни битириш, халқ чеккан азиятларини даволаниши гарчанд у ғолиб келган бўлсада ўзининг муқаддас бурчин деб тушунган ва унга тўлалигича амал қилган. Ҳазрат Соҳибқироннинг «Қай бир жойдан бир

Лагерный сбор артиллерии Вооруженных Сил

ВО ВСЕЙ КРАСОТЕ ОГНЕВОЙ МОЩИ

Традиционно проводимого лагерного сбора артиллерии Вооруженных Сил представители этого рода войск всегда ждут с особым нетерпением и радостью. Ведь для них это время реальной проверки в деле результатов долгой и кропотливой работы по оттачиванию слаженности действий огневых орудийных расчетов и экипажей боевых машин, четкости и выверенной корректировки огня. В этом плане недавно завершившийся очередной сбор не обманул ожиданий: артиллеристы сумели во всей красоте огневой мощи увидеть боевые возможности вверенного им грозного вооружения.



«БОЕВОЕ КРЕЩЕНИЕ» ЛЕЙТЕНАНТОВ

Тактические учения реактивного артиллерийского дивизиона достигли этапа боевых стрельб. Согласно обстановке, условный противник перешел Государственную границу, и мотострелковое подразделение получает задачу остановить, блокировать и уничтожить его на заданном участке местности. В задачи артиллеристов входит огневая поддержка занимающих оборону мотострелков.

На этих боевых стрельбах превосходно проявили себя лейтенанты Баходир Аблакулов и Муроджон Абулов, год назад с отличием закончившие военное училище, — рассказывает капитан Фазлиддин Рахманкулов. — Эти перспективные молодые офицеры и во время учебы достойно представляли нашу независимую Родину, вот и свое первое «боевое крещение» они выдержали с честью.

Лейтенанту Б.Аблакулову в ячейке старшего офицера батареи (СОБ) довелось наводить боевые машины на цель, четко и быстро обрабатывая полученные с командно-наблюдательного пункта (КНП) данные. А командиру огневой группы лейтенанту М.Абулову удалось в ходе командования вверенным подразделением обрести важный и ценный опыт реального ведения огня на большой дальности.

Выпускнику школы подготовки сержантов младшему сержанту Аслидину Рустамову не впервой принимать участие в столь ответственных учениях. Опытный военный профессионал уже не раз успешно использовал на практике полученные в стенах ШПС знания и навыки. Командир секции топогеодезистов второй этап обучения в ШПС столичного округа использовал как новую ступень для повышения профессионального роста. А данный полигон только помог в очередной раз в полной мере проявить его возросшее мастерство.

Кстати, данное тактическое учение было ценно и отработкой реального взаимодействия артиллеристов из различных округов в учебном бою. Например, для капитана Шерзода Мирзаева, старшего лейтенанта Набижона Латыпова и младшего сержанта Абдукахова Холмирова, прибывших сюда, возможность вести огонь в составе подразделений и из вооружения боевых товарищей из других округов укрепила их веру в реальных возможностях своего коллективного оружия.

ЭКОНОМНОЕ РАСХОДОВАНИЕ БОЕПРИПАСОВ

Вообще вопросы экономного расходования боеприпасов являются актуальными для всех артиллеристов. Однако для десантников, выполняющих обычно боевые задачи в отрыве от основных сил, умение экономить боеприпасы не только отражает бережливость и

рачительность, но и показывает степень выживаемости, когда меткость стрельбы или ведения огня воистину ставится во главу угла.

Оттого на КНП самоходного артиллерийского дивизиона офицеры с огромной концентрацией внимания трудятся над корректировкой огня. Первый пристрелочный снаряд, затем второй. Командир батареи капитан Степан Миловский командует всем орудиям зарядить снаряды. После дружного залпа следует доклад на КНП: стрельба по цели 105-й закончена, расход 5 снарядов. Дальномерщику младшему сержанту Элбеку Юлчиеву остается зафиксировать дальность цели.

В остром соперничестве подразделений самоходных орудий батареи капитана Бунеда Хидирова на один выстрел опережает товарищей. Цель 201-я, обозначающая группу боевиков, была накрыта залпом после одного неолета. В этом успехе есть вклад и отличного расчета под командованием младшего сержанта Ихтиера Ходжиева.

НАСЛЕДНИКИ СЛАВНЫХ ТРАДИЦИЙ

Наблюдая за уверенной боевой работой командира артиллерийской батареи лейтенанта Артема Константинова, невольно утвердился в мысли, что у офицера врожденные навыки бомбардира, как в старину называли пушкарей. И это предчувствие не обмануло: выяснилось, что его дедушка был артиллеристом во время Второй мировой войны.

А курсантам Специального факультета ТУИТ Мансуру Бекжанову, Шерзоду Отанализову и Одилу Лукманову предстоит буквально в этом году принять славу эстафету офицерской службы у старших товарищей. Куратору курсантской стажировки от воинской части старшему лейтенанту Уткиру Суюнову вполне понятны волнения парней, ведь он и сам четыре года назад закончил это учебное заведение. В условиях, когда огонь ведется с закрытых огневых позиций, успех зависит в первую очередь от умелой корректировки огня и качественной связи орудийных расчетов с КНП.

В полевом лагере артиллеристов повидал в деле телеграфисток узла связи младших сержантов Мухайе Сабирову и Надиру Сатторову. Опытные мастера профессии быстро и четко соединяли абонентов с вышестоящим штабом.

БЕЗ ПРАВА НА ПРОМАХ

Над палаточным лагерем спускаются весенние сумерки, однако в предгорьях еще гремывает гром. Ожидая от непредсказуемого апреля нового дождевого душа, выглядываем в облачное небо. Неожиданно темноту рассекает яркий свет осветительного снаряда. Это артиллеристы приступают к ночным стрельбам. Батареи старших лейтенантов Д.Сотволдиева и О.Эминова успешно ведут огонь по целям в комфортных условиях искусственного освещения.

А наутро, по замыслу тактических учений, довер-

шить дело разгрома прижатого к горам условного противника берется гаубичное подразделение. До глубокой ночи артиллеристы делали подробные подсчеты для стрельбы по обнаруженным разведчиками младшими сержантами Аброром Хакуловым и Гайратом Суяровым целям. Первую цель — КНП условного противника — успешно поразили подчиненные старшего лейтенанта Акмаля Ибрагимова. «Танк в окопе» накрывает дружный залп подразделения капитана Зафара Элмуродова. Для наводчика орудия рядового Шоазиза Тошпулатова этот полевой выход важен еще и тем, что уроженец Ташкента мечтает возвратиться в столицу с Републиканской воинской части на право льготного поступления в вуз. А значит, у него нет права на промах.

«ГОРНЫЕ КОЛОДКИ» В ДЕЛЕ

Лагерный сбор артиллерии Вооруженных Сил ценен не только обретением опыта боевой работы. Не менее важен опыт организованного перемещения в составе колонн автомобилей и боевой техники, погрузки на железнодорожные платформы и отправки эшелонам.

Вот и для техника-инспектора ХАН младшего сержанта Аслидина Раимова данный полигон стал отличной школой профессионального мастера. Под началом сержантов Олимжона Закирова и Юнуса Назарова он постигал секреты сопровождения колонн военной техники из лагеря к огневым позициям, проводил технические осмотры машин перед выездом в поле, беседы с водителем составом на темы безопасности дорожного движения.

Аслидин проходил срочную службу в дорожном депо, где ему довелось вести ремонт асфальтового покрытия. Начав службу по контракту военным водителем артиллерийского подразделения, он сразу обратил на себя внимание своим желанием внести лепту в безопасное движение на дорогах.

...Нашей машине доверено сопровождать колонну. И вдруг на крутом подъеме потребовалась остановка. Младший сержант А.Раимов, как подобает истинному профессионалу, с честью вышел из трудной ситуации. Заглушил двигатель, установив под колеса упоры — «горные колодки», а затем продолжил движение по маршруту.

Одним словом, полигон стал настоящим испытанием мастерства для всех его участников. Военные медики упрочили свои навыки в оказании помощи в полевых условиях, военнослужащие тылового обеспечения — в создании оптимальных условий воинам, офицеры воспитательных органов — в поддержании высоких морально-волевых качеств артиллеристов. Проявив во всей красе грозную мощь оружия, артиллеристы покорили новую высоту профессионального мастерства.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
Фото подполковника Владимира ЦОЯ.

ЧАҚИРУВ — 2007

КЎХНА НАСАФНИНГ ЎТЮРАК ФАРЗАНДЛАРИ

ЮКСАК САВИЯДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида»ги Қарори эълон қилинган, мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари фаолиятида янада қизгин давр бошланди. Қуролли Кучларнинг сафини сифатли бутлагга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган жамоалардан бири Қашқадар вилоят мудофаа ишлари бошқармасидир.

Бошқарма давлат ва жамоат ташкилотлари билан кенг ҳамкорликда иш олиб боради. Хайрия тadbирларининг фаол иштирокчиси ҳамдир. Ижтимоий ҳимоя йили, байрамлар муносабати билан хизмат бурчларини бажара туриб ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзолари, ота-оналари ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳамisha бошқарманинг диққат марказида бўлиб келади. Мазкур мақолада бошқарманинг айни кундаги иш жараёни билан қисман танишсанг.


Баҳорги қақирувни юксак савияда ташкиллаштириш учун барча имкониятларини ишга солиди. — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи офицер Мунаввар Эгамназаров. — Миллий армиянинг фуқаролар билан ишлашдаги муҳим органи мудофаа ишлари бўлим ва бўлимчалари ҳисобланади. Бундайн ҳарбий бошқарув органларида ўз қабсининг билимдон ҳамда фидойис бўлган кишиларнинг фаолият юритиши масъулияти жараёнини бартариб, кўнгилдагидек боришини таъминлайди. Вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ҳам ўз қабсини дилдан эъозлаб, халқ хизматида юрган инсонлар талайгина.

Жануб азал-азалдан довурак беқлари, кураги ерга тозаланган довурак полковлари билан шуҳрат қозониб келган. Бугун ҳарбий хизматда бориш иштиқиди ёнаётган ўғлонлар орасидан довурак аждодларига муносиб бўлган энг сара ҳимоячилар ташлаб олинди.

САРАЛАР САРАЛАНДИ

Қақирув комиссияларининг фаолияти, улара кимларнинг иш олиб боришлари ҳақида газетамиз саҳифаларида бир неча бор маълумотлар берилган. Яқиндан бошлаб, қақирув комиссиялари ишда иштирок этиш учун тарбиячи офицерларнинг ҳам жалб этилгани диққатга сазовор янгилик десак янглишмаймиз.

Фахриддин Меликов чегара қўшинларининг офицери. Тарбиячи офицер сифатида бир неча йиллик бой тажрибага эга. У бутлагининг сифатли таъминлашини нималарга боғлиқлиги ҳақида ўз фаолияти нуктадан назаридан келиб чиққан ҳолда қуйилган муҳажазаларини баён этди.



Жанговар кураати тинимсиз ошиб бораётган миллий армиямиз сафарларида Қашқадарнинг қалби, офтоби каби қайноқ фарзандларининг муносиб ўринлари бўлиши шубҳасиз.

ТИББИЙ КОМИССИЯ

Ҳарбий хизматни ўташ ёшида бўлган ҳар бир миллатдошимиз бугун айрича ҳажжон оғушида. Чунки посебон бўлиш осон эмас. Унинг кўпдан кўп шартлари, жиддий синовлари бор. Ёшлар аввало жимоман соғлом бўлишлари керак. Бу дастлабки муҳим талаблардан бири.

Вилоятнинг етук шароҳларидан бири Содиқ Ҳакимов қақирув комиссияси бош шифокори сифатида бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатади. Баҳорги қақирувнинг ташкиллаштирилиши юзасидан у қуйилган муҳажазаларини баён этди: — Йил сайин тиббий комиссиялар иши тақомиллаштирилиб боришмоқда. Деярли барча туманларда қақирув намунағи тарзда йўлга қўйилмоқда. Тиббий кўриқда қақирувчиларнинг норозиликларига сабаб бўлмастлиги учун энг замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланишмоқда. Барча туман тиббий комиссиялари замонавий ултра-травуш аппаратлари билан таъминланган. Вилоят қақирув комиссияси ўз қабсининг пухта билимдонлари бўлган етук олий тонали мутахассис шифокорлардан таркиб топган. Бу борда шифокорлар Истам Бекмирзаев, Абдумажид Кармишовларнинг кўп йиллик фаолияти таҳсинга сазовор.

Вилоят қақирув пункти қизгин жараёнининг намунағи ўтиши учун замонавий асбоблар билан жиҳозланган. Ҳар бир қақирувчи ортқича овозагарчиликсиз шу ерининг узида қайта тиббий кўриқдан ўтиши мумкин. Бунинг учун барча шароитлар муҳайё.

СОҲИБҚИРОН ТАВАЛУД ТОПГАН ЮРТДА

Шу куларда Соҳибқирон тавалуд топган юрт — қадим Шаҳрисабз ҳам ўз ўғлонларини юрт ҳимоясига кузатмоқда. Туман мудофаа ишлари бўлими офицер Мақсудхон Аҳмедов етакчилигида қақирувни намунағи ташкиллаштириш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Бўлимнинг Гулчехра Қариева, Абдурашид Мавлонов каби хизматчилари бу бордада барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Ҳарбий хизмат нуфузининг салмоқиди даражада ошганлиги ота-оналарнинг армияга бўлган муносабатларида айниқса яққолроқ намоён бўлмоқда. Яқин ўтган йилларда фарзандларининг ҳарбий хизматга боришини ичидан ҳам истамаётган ота-оналар қарши бутунги кунга келиб тамомила ўзгарган. Миллий армия ўғлонларини учун янги имкониятлар эшигини очмоқда, ёшларининг келажак учун мустақам пойдевор вазифини ўтамоқда. Шу сабабли қуйилган фарзандларини ҳаёт мактабига кўнгилларида сўнгисиз меҳр ва ёру умидлар ила кузатётган оналарнинг қувончини тушуниш мумкин.

Ўзғил Ражабова:
— Уғлим Сарварнинг ҳарбий хизматга лойиқ топилигидан бутун оиламиз билан хурсанд бўлдик. У албатта яхши хизмат қилади. Сарвар оиламиз шайинга бизни мамун қилдиған, кўнгилмизни ифтихорга тўлдирдиған идиқ таплар олиб келади.

Озода Имомова:
— Фазлиддин намунағи хизмати билан юзмининг ёру қилишига ишонаман. Уғлим қатори Ватан хизматига бел боғлаган барча йилгиларни соғомон, ёру юзла-оналари бағрига қайтишига тилақдошман.

Гулнора Эркаева:
— Уғлим Элёрнинг ҳарбий хизматга кетаётганидан жуда ҳажжондаман. Улгайиб қолганидан, элга керакли бўлганидан қувонаман. Уғилларимиз — ҳимоячиларимиз ҳамisha бизнинг кўнгилмизни ана шундай суурга тўлдириб юришсин.

Инобат ИБРОҲИМОВА.
Комолддин ТўРАЕВ суратта олган.

ИДУТ СЛУЖИТЬ САМЫЕ ДОСТОЙНЫЕ

Даже краткосрочного ознакомления с ходом призывной кампании на сборном пункте Управления по делам обороны Самаркандской области оказалось вполне достаточно, чтобы прийти к выводу, что благодаря качественно проделанной работе по предварительному подбору призывников намеченный график отправки очередных команд в войска выдерживается четко.

— Областной призывной комиссией во главе с заместителем хокима области Зоиром Мирзаевым планомерно и целенаправленно выдерживается курс на создание самых благоприятных условий для отбора кандидатов на местах, — говорит начальник УДО полковник Эркин Абдурахманов. — Накануне весеннего призыва справедли носелье призывные пункты в Ургутском, Джамбайском и Пастдаргомском районах. В благоустроенные и прекрасно оборудованные здания недавно переехали и призывные пункты Окдарьинского, Самаркандского и Булунгурского РОДО. В сочетании с повышением квалификации медперсонала призывных комиссий это вселяет уверенность в то, что весной Вооруженные Силы пополнятся самыми достойными из молодых самаркандцев.

Конечно, наряду с этим весомую лепту в тщательное изучение деловых и личностных качеств будущих воинов вносят и общественные организации области — местные отделения фондов «Нуроний», «Махалла», ОДМ «Камолот», активно участвующие в работе комиссий на местах.

Успешно претворяемая в жизнь реформа Вооруженных Сил предъявляет повышенные требования не только к здоровью, но и к уровню интеллекта молодых людей, призываемых в армию. Для того чтобы умело овладеть секретами самой современной грозной боевой техники и вооружения, юноше уже мало иметь крепкую мускулатуру, надо к этому добавит и высокий интеллектуальный уровень.

— Представителями Самаркандского тестового центра перед началом призыва проведено тестирование кандидатов, отобранных районными призывными комиссиями, — рассказывал начальник отдела призыва УДО области подполковник Навруз Култаев. — Уже не первый год приезжаю сюда, — делится своими впечатлениями капитан Ильхом Рахмонов. — Отлично и приятно подмечать добрые перемены. Нынешние молодые люди не просто горят желанием служить в

армии, но и готовы подкрепить это желание солидным интеллектом и высокими физическими кондициями. Они уверенно ориентируются в общественно-политической обстановке в стране и в мире, горячо поддерживают проводимую руководством страны политику социальной защиты населения.

Дождливым апрельским днем ухидла в ряды воинов-пограничников очередная команда. Однако проливной дождь и другие капризы погоды отнюдь не испортили настроения юношам. На традиционном митинге со словами добрых напутствий обратились к ним офицеры Бахром Давронов, Ульмас Шодиев, от имени общественности и местных органов власти призывникам были вручены ценные подарки.

— Готовлюсь стать фермером, — говорит Азим Тогаев из Пахтачинского района. — Однако я отлично понимаю, что для того, чтобы спокойно возделывать родную землю, мне надо обеспечить ее надежную защиту. Горжусь тем, что мне выпала такая честь — защищать мою Родину, быть в рядах вооруженных ее защитников.

— А я мечтаю пополнить ряды военных профессионалов и остаться в армии на службу по контракту, — подключается к нашей беседе Рустам Сатторов из Тайлакского района. — Конечно, добиться этого права будет очень нелегко, но я надеюсь на помощь и поддержку моих будущих командиров. В беседе с приехавшим за нами сержантом Маъруфом Алимовым узнал немало нового о требованиях к военнослужащим по контракту.

Как только юноши надели новенькие наручные часы, подаренные на митинге, капитан Савирбек Зулфияров предложил сверить общее время и уточнил место сбора. А уже вечером скорый поезд умчал ребят к месту службы, где им предстоит охранять границы нашей спящей Родины. Отныне для них наступает новый отсчет времени — началась их срочная служба.

Майор Алишер КАСЫМОВ.

Абдулла ҚАҲҲОР таваллудининг 100 йиллиги олдидан

СУМБУЛА СУВИДАЙ ТИНИҚ ИЖОД



Абдулла Қаҳҳор 1907 йилнинг 17 сентябрида Қўқон шаҳрида қосиб-темирчи оиласида таваллуд топган. Бу даврда меҳнаткаш оммага осон бўлмаган, жуда оғир ҳаёт кечиришган.

А. Қаҳҳор оиласи ҳам машаққатли ҳаётни бошидан ўтказган. Адибнинг отаси уста Абдуқаҳҳор Жалилов оиласини боқиб учун тиним билмай меҳнат қилган. Қўлида темирчилик хунари бўлса-да, қора қозони қайнатишга зўрга маблаг топган. Шундай бўлишига қарамадан фарзандлари билим олиши учун қўлидан келган барча ишни қилган. Ўғли Абдуллани эски мактабга бе-

Маълумки, шу йилнинг 17 сентябрида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудига юз йил тўлади. Ана шу сана муносабати билан Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 8 январдаги «Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда адиб юбилейини ўтказиш режалаштирилган. Ватанимиз ҳимоячилари ҳам ана шу тўйга муносиб тайёргарлик кўришмоқда. Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида адиб ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган адабий-бадний тадбирлар, суҳбатлар, ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

риб ўқитган. Мактабдаги дарслардан ташқари Абдулла А.Навоий, Фузулӣ каби шоирларнинг асарларини зўр қизиқиш билан мурола қилади. Кейинчалик у Қўқон педагогика техникумида тахсил олади. Ёш Абдулланинг ҳаётида 1925 йил катта ўзгариш юз беради. У Тошкентга келади. Газета ва журналларда адабий ходим бўлиб ишлайди. Ўрта Осиё университетига ўқийди. 1929 йилда ўқиниши тамомлаб, Қўқонга қайтади. «Янги Фарғона» газетасида фаолият юритади. Бир йилдан сўнг яна Тошкентга келади.

А. Қаҳҳор ўзбек классик адабиёти билан бирга Гоголь, Тургенев, Чехов каби рус адабиёти намойندаларининг асарларини мукамал ўқиб-ўрганди. Узи ҳам халққа манзур бўладиган асарлар яратди.

Адибнинг асарлари рус, қардош халқлар ва чет тилларга таржима қилинган.

Ёзувчи яратган асарлар ҳали

сиёҳи қуримасдан туриб, қўлма-қўл бўлиб кетган. Чунки асарларининг тили раван ва содда, мураккаб ва ранг-баранг ҳаётимиздаги воқеалар бадний жиҳатдан пиш-қухта тасвирланган. Асарларида Ватан душманларига кучли нафрат акс этиб турибди. Эскилик сарқитларига қашатқич зарба берилган. Адиб асарларини бугун ҳам халқимиз севиб ўқимоқда.

Абдулла Қаҳҳор турли жанрларда ижод этган. Адибнинг «Бемор», «Анор», «Ўғри», «Майиз эммаган хотин», «Асрор бобо» «Кампирлар сим қоқди» сингари ҳикоялари, «Сароб», «Қўшқинчи чироқлари» «Синчалак», «Ўтмишдан эртактар» каби роман, киссалари санъаткорона эзилган асарлардир.

Абдулла Қаҳҳор ўзининг машҳур «Синчалак» повестини 1958 йилда ёзган. Рус ёзувчиси К. Симонов повестини маҳорат билан рус тилига таржима қилган. Ана шу повесть

асосида фильм ҳам яратилганлигини хабарингиз бор.

Адибнинг «Мастон», «Кўр кўзининг очилиши» ҳикояларида қатъий иродалик, қийинчиликлардан қўрқмаслик, озодлик ва эрк тасвирланса, «Томоша боб», «Анор», «Бемор», «Ўғри» ҳикояларида ўтмиш фожелари ҳикоя қилинади.

«Олтин юлдуз» киссасини ўқиган бўлсангиз керак. Мазкур кисса уруш мавзусидаги асар. Асар қаҳрамонлари – Аҳмадjon Шукуров, Бўтабой, Петька, Уховлар. Аҳмадjon Шукуров асарнинг бош қаҳрамони. Ушбу образ орқали Ватан мадҳи, меҳнат ва оила тушунчаси, халқлар дўстлиги, мардлик ҳамда ғалабага бўлган ишонч юксак маҳорат билан тарангум этилган.

Ўзбекистон Қаҳромани, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад шундай ёзади: «А. Қаҳҳор ҳикояларини ўқиган киши ҳаёлида катта воқеалар уйғонади.

Узоқ вақт таъсири билан уни ухлатмайди.

Уйлатади, оқ урдиради, қулдиради, йиғлатади».

Хулоса қилиб, Ўткир Ҳошимов ибораси билан айтганда, «устоз

А. Қаҳҳор ижоди сумбула сувидай тиниқлиги, покзаллиги билан кишини ром этади».

Абдураззоқ БАЙРАМОВ.

ЖОНКУЯР ҲАМШИРА

Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ўғлонларнинг саломатлиги йўлида тиним билмай меҳнат қилаётган ҳарбий шифокору ҳамшираларимизнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Кичик сержант Мунаввар Чоршанбиева ҳам ўз касбининг фидойиси, соғлиқ посбони бўлмиш ҳарбий аёлларимиздан бири. У ўн уч йилдан буён ҳарбийлар орасида. Ҳозирда мотоўқчилар ҳарбий қисмида тиббиёт пункти фельдшери вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида туғилб воёга етган Мунаввар ёшлигидан ҳамшира бўлишга қизиқарди. Ва ниҳоят, бу орзу амалга ошди. У Термиз шаҳар тиббиёт коллежига ўқишга кирди. Коллежни аъло баҳоларга тугатган Мунаввар иш фаолиятини ҳарбий қисм тиббиёт пунктида ҳамширалик вазифасида бошлади.

– Ҳарбий касбни танлаганимдан ҳеч қачон афеусланмайман, – дейди у биз билан суҳбатда. Ҳарбий жамоадаги тартиб-интизом, иноқлик мени бу оламга бир зумда оғлаб қўйди. Энди ҳаётимни бошқа касба тасаввур ҳам қилолмайман. Ўз касбини қаттиқ севаман, вазифамни доимо ҳалол бажаришга ҳаракат қилиб, посбонларнинг саломатлигига озми-кўми ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман.

Ҳа, аскар соғ бўлса, жанговар шайдик ҳам, тартиб интизом ҳам юқори бўлади. Буни чин дилдан ҳис қилган тиббиёт ходимлари ўз вазифаларини чуқур ҳис қилган ҳолда хизмат қилмоқдалар.

– Мунаввар бажараётган вазифасини моҳирлик билан, аъло даражада, бажаради, – дейди ҳарбий қисм тиббий хизмат бошлиғи офицер Шукур Хушвақов. – Ҳарбий хизматчилар ўртасида билимдонлиги, беминнат ёрдамни ҳеч қимдан аямаслиги туфайли ҳурмат қозонган.

Хизмат жойига етиб келиши билан кичик сержант М.Чоршанбиева ишни аввало ўзинга бириктирилган бўлинмалардаги посбонларни эрталабки тиббий кўриқдан ўтказишдан бошлайди. Аскарларга керакли маслаҳатлар беради. Уларнинг тозалик ва шахсий гигиенага эътибор қилишларини таъкидлайди. Дала-ўқув машғулотларида посбонларни назорат қилиб боради.

– Кичик сержант М.Чоршанбиева билан хизмат қилаётганимга анча йил бўлиб қолди, – дейди тиббий пункт ҳамшираси шартнома асосидаги хизмат кичик сержанти Жумагул Раҳмонова. – Ўзининг интилувчанлиги, олижаноблиги, самимиётлиги билан барчанинг қалбидан чуқур жой олган. У малакали ҳамшира, биз



ундан соҳамизга тегишли кўп нарсани ўрганамиз. Беминнат ёрдамни ҳеч қимдан аямайди.

Мунаввар яхши ниятлар ила фарзанди Отабекжонни ҳам тарбиялаб, воёга етказмоқда. У бўш вақтларида бадний китоб ўқишни севади, рақсга тушишни ёқтиради, шунингдек, пазандчиликда ҳам катта тажрибага эга. Спортнинг энгил атлетика тури билан шуғулланиб туради.

– Мард, жасур ўғлонлар билан бир сафда, Ватан осойишталигини асрашга ҳисса қўшаётганимдан беҳад мамнунман, – дейди у. – Худо хоҳлса, ўғлим Отабекжонни ҳам ҳарбийликке шарафли касб этаси бўлишига тилакдошман. Президентимиз томонидан ўтган 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», шунингдек, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбасини тиббиёт ходимлари кунини, деб эълон қилиниши бизларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яққол мисолидир. Шу билан бирга бизнинг зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Албатта, бу масъулиятни дилдан ҳис қилиб, ҳалол, виждонан хизмат қилишга ҳаракат қиламиз.

Кичик сержант М.Чоршанбиева хизмати давомида кўпгина ютуқларни қўлга киритди. У Термизда ўтказилган фельдшерлар танловида ўз маҳоратини намойён қилиб, иккинчи ўринга сазовор бўлган. Ҳарбий қисм командири томонидан бир қанча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Албатта, бу ютуқлар унинг ўз устида тинимсиз ишлаши, устозларнинг бой тажрибасини мукамал эгаллаганилиги туфайлидир.

Ахбор ШУКУРУЛЛАЕВ. Александр МРУЧАК суратга олган.

«СЕҲРЛИ ҚҮЛЛАР» СОҲИБАСИ

Касбим сабаб қўллаб шифокорлар билан суҳбатлашим, лавҳалар тайёрлашга тўғри келган. Ҳар гал бу соҳа эгалари менда ўзгача таассурот қолдиради. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Чунки инсон саломатлигига, қолаверса, унинг умр лаҳзаларига масъулликнинг ўзи бу касб қай даражада нозик ва шарафли эканлигини белгилаб беради. Бу галги суҳбатдошим ҳам жарроҳ Мавлюда Юсупова.

«Минг бир дарднинг давоси табиатда мужасса», дейди доно халқимиз. Азал-азалдан аждодларимиз саломатлик борасида табиий неъматларга суяниб яшаган. Табиат шифохонаси деган иборанинг техника асрида ҳам қўлоғимизга тез-тез чалиниши бежиз эмас. Шифобахш ўсимликлардан дорин-дармон тайёрланиши, шарбатларидан фитобарлар ташкил этилгани барчамизга аён. Айтмоқчиманки, касалликнинг олдини олиш, уни даволашда табиат мўъжизаларининг ўрни беқиёс. Бироқ инсон саломатлигини тиклаш йўлида шундай кашфиётларга қўл уришдики, бу мўъжизалар фақат одамзодга хосдир. Мана шулардан бири жарроҳлик амалиётидир. Барча касбнинг пасту баланд томонлари бўлгани каби жарроҳлик ҳам тиббиётнинг энг мураккаб ва нозик йўналишини десаек, хато бўлмайди. Одатда бу соҳада кўпроқ эркакларни учратамиз. Бунинг ҳам ўзинга хос сабаблари бўлса, ажабмас. Нега деганда, жарроҳликнинг масъулиятли томонларидан бири доимий равишда малакасини ошириб бориш, тажриба алмашиш, қатъийлик, керак бўлганда куну тун бемор ёнида бўлишдир. Зиммасида фарзанд улғайтириш, оила бекаларининг серқирра вазифалари сабаб оройиш топадиган хонадонга масъулият билимдон, ақли зукко аёлларимизнинг ҳам бу соҳада фаолият юритишлари учун бир оз оғирлик қилар, балки. Аммо Мавлюда она танилган касбадаги бу қийинчиликларни иродаси, атрофидаги беминнат таянчлар – устозлари ва яқинлари орқали енга олган. Мана, йнгрима етти йилдикри тажрибали жарроҳ эл хизматида. Лавҳамиз қаҳрамонининг бу даражадаги етишида аввало унинг зиёли оилада воёга етгани, ота-оналари Абдувоҳид ака ва Алимаш оналарнинг катта ўрни борлигини унутмаслик лозим.

– Мен нафақат ўзининг қизиқишим, балки дадамнинг менга тиккан орзулари сабаб айнан шифокорликнинг жарроҳлик йўналишини танладим, – дейди суҳбат чоғида у. – Дадам жуда эрта – 43 ёшида оламдан ўтган. Мен энг катта фарзанд бўлиб, ҳали ўрта мактабда таълим олардим. Оиламиздаги олти фарзанднинг келажак тақдирини ёлғиз онамга қолганлиги сабаб, амаким – ҳозирда барча фанлари доктори Эргаш ака Юсупов барчамизнинг оёққа туришимизда ўз меҳрини аямаяди.

Тежамкорлик – давр талаби

РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ

Ҳарбий қисм ва муассасаларда моддий-техник воситалардан, энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиб, бюджет маблағининг тежаллишига эришилди, пировадидда бу посбонлар шаронитини янада яхшилаш йўлида сарфланмоқда. Жумладан, мотоўқчилар ҳарбий қисмида тежамкорлик борасида қилинаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

– Шахсий таркиб орасида тежамкорлик бўйича доимий тушунириш ишлари олиб борилади, – дейди офицер Акмал Ошинов. – Хайдоқчилар билан ҳам алоҳида машғулотлар олиб борилади, техника, техник воситалар, ёқилғи мойлаш маҳсулотларини тежамкорлик билан ишлатиш, уларни исроф қилмаслик бўйича қатор танловлар ўтказилди. Бунида кичик сержантлар Хуриш Раҳимов, Тоҳир Саматовлар яхши натижаларга эришилди.

Ҳарбий қисмда йил давомида олинган хизматда умумий миқдор 150.000 сўм тежаб қолинган. Уй-жойдан фойдаланиш хизматида шахсий таркиб кучи билан ётоқхона мебеллари таъмирдан чиқарилган. Бунинг натижасида 235.000 сўмлик қават, 98.000 сўмлик тумбочка ва табуреткаларнинг хизмат муддати узайтирилди. Электр энергиясини бўйича эса 292.000 сўм тежаб қолинган. Шунингдек, умумий нархи 4.790.000 сўмлик қора ва рангли металл йиғилди, давлатга топширилган. Тежаб қолинган маблағлар посбонлар шаронитини янада яхшилашга, ҳарбий қисм ҳудудини кўкаламзорлаштиришга, бинаоларни таъмирлашга йўналтирилган. Қисм ҳудудда кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида 1.250.000 сўмлик арча кўчатлари ўтказилган. Ётоқхоналар, ўқув бинаолари, техника паркида шахсий тар-



матга лойиқдир. Тажрибани ҳақида сўз юритадан бўлса, албатта йнгрима етти йилдан буён жарроҳлар сафида бўлган шифокорини етук мутахассис, дейишга ҳақлимиз. Шубҳасизки, бундай жонкуяр шифокорлар ҳарбий госпиталимизнинг фахри.

Мавлюда она севган касбида фаолият юритиш баробарида у фарзандни тарбиялаб, оила бекалигини ҳам кўнгилдагидек урда қилди. Турмуш ўртоғи ички ишлар ходими полковник Жўрабек Раҳматов ҳаёт йўлида унга ўз ўрнида таянч, ўз ўрнида маслаҳатчи бўлганлигини шифокор кўн бора тақорлаб ўтди. Шу сабабли бўлса керак она фарзандлари Бунёбек, Баҳромжон ва Турқонлар мустақил юртимизга муносиб қиз-ўғиллар бўлиб қад ростлашмоқда.

Суҳбат чоғида она «Шифокор жарроҳликни танладим, кейин тиббиётнинг бошқа йўналишида фаолият юритишни қўйин. Чунки жарроҳлик соҳасининг ўзинга хос сеҳри бор», деган фикрини келтириб ўтган эди. Балки шу сабабли ҳаётини келтириб ўтган эди. Балки шу сабабли ҳаётини келтириб ўтган эди. Балки шу сабабли ҳаётини келтириб ўтган эди.

– У ўзининг талабчанлиги, масъулиятини чуқур ҳис қилиши, керакли жойда қаттиққўл ва қатъийлиги билан ажралиб туради. Айниқса, камтар ва самимиётлиги, ёш шифокорларнинг доим ўз маслаҳатлари билан қўллаб туриши ҳур-

матга лойиқдир. Тажрибани ҳақида сўз юритадан бўлса, албатта йнгрима етти йилдан буён жарроҳлар сафида бўлган шифокорини етук мутахассис, дейишга ҳақлимиз. Шубҳасизки, бундай жонкуяр шифокорлар ҳарбий госпиталимизнинг фахри.

Мавлюда она севган касбида фаолият юритиш баробарида у фарзандни тарбиялаб, оила бекалигини ҳам кўнгилдагидек урда қилди. Турмуш ўртоғи ички ишлар ходими полковник Жўрабек Раҳматов ҳаёт йўлида унга ўз ўрнида таянч, ўз ўрнида маслаҳатчи бўлганлигини шифокор кўн бора тақорлаб ўтди. Шу сабабли бўлса керак она фарзандлари Бунёбек, Баҳромжон ва Турқонлар мустақил юртимизга муносиб қиз-ўғиллар бўлиб қад ростлашмоқда.

Суҳбат чоғида она «Шифокор жарроҳликни танладим, кейин тиббиётнинг бошқа йўналишида фаолият юритишни қўйин. Чунки жарроҳлик соҳасининг ўзинга хос сеҳри бор», деган фикрини келтириб ўтган эди. Балки шу сабабли ҳаётини келтириб ўтган эди. Балки шу сабабли ҳаётини келтириб ўтган эди.

– У ўзининг талабчанлиги, масъулиятини чуқур ҳис қилиши, керакли жойда қаттиққўл ва қатъийлиги билан ажралиб туради. Айниқса, камтар ва самимиётлиги, ёш шифокорларнинг доим ўз маслаҳатлари билан қўллаб туриши ҳур-

книб кучи билан олиб борилган таъмирлаш, оқлаш ишлари натижасида 1.500.000 сўмлик ишлар амалга оширилган.

Ҳарбий қисм паркида ҳам тежамкорлик бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда, – дейди офицер Мамаржаб Бегалиев. – Бунинг натижасида ёқилғи мойлаш маҳсулотларини тежаб қилишга эришмоқдамиз. Шунингдек, ҳар бир ҳайдовчи ўз техникаси ва унинг эҳтиёт қисмларидан оқилона фойдаланиш натижасида бир қанча техник жиҳозларнинг хизмат муддати узайтирилмоқда.

2006 йил давомида ҳарбий қисм шахсий таркиби кучи билан умумий қиймати 37.195.876 сўмлик ишлар қилинган бўлса, жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида эса 12.345.000 сўмлик ишлар амалга оширилди.

Табиий ва энергетика ресурсларидан, техник воситаларидан оқилона фойдаланиш, иқтисодиётимизнинг янада ўсшига олиб келади. Буни яхши англаган юрт посбонлари ҳам республикамиз иқтисодиётининг ривожига, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ахбор ОЧИЛОВ. Комолдин ТўРАЕВ суратга олган.



Инсонийлик мезонлари

АСРОРБОЙНИНГ КОШОНАСИ

Давр талаблари моҳирлигини тез англаб етadиган Асрор Нўъмонов нанкии Тошкент туманида, балки вилоятда биринчилардан бўлиб тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди.

Тасарруфига олган бир ярим гектарлик ердан унумли фойдаланиш мақсадида барча ҳаётини тажрибаси ва билиминини ишга солди. Ҳалол меҳнат асло самарасиз кетмас экан. Қисқа фурсат ичида дурустгина даромад ола бошлади. Бу эса уни эзгу мақсадлар сари чорлади...

Бир кун умр йўлдоши, маслаҳатгўйи Маъсууд Фозиловага дилида туғиб юрган бир гапни ошкор этди:

– Маъсуудохон, қаранг, қиршогимиз каттаю бир-орта тўйхонаси йўқ. Шунини мен қурсам қандай бўларкан?

Озгина мунозарадан кейин маслаҳат маъқулланди. Юз ёш билан юзлашган оёнагониси – Меҳриниссо ая ҳам кеңжа ўғлининг хайрли ишига оқ фотиҳа берди. Бу гўё Асрор Нўъмоновга қанот бағишлагандек бўлди. Шу кезларда унинг тадбиркорлик ишлари анча юришиб, саҳоватпешаликка ҳам жиддий эътибор бераётган эди. Анқроғи, туман миқдосида олиб борилаётган хайрли ишларга салмоқли улушлар ажратар, қишлоқдаги ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатарди. Қолаверса, есеңхонадан ҳам ўнлаб одамлар иш ўрни топишди. Ишчиларга дурустгина иш шаронитлари яратиб берилди. Тўйхона қурилиши бошланганидан кейин эса яна кўпгина

ишлар иш билан таъминланишди.

Ниҳоят салобатли тўйхона ишга тушди. Гарчи бино пештоқига зарҳад ҳарфлар билан: «Нигмон ота гузар» деб ёзилган бўлса-да, қишлоқдагилар уни «Асрорбойнинг кошонаси» деб аташарди. Бугунги кунда тўйхона таърифи кең тарқалиб кетган. Айниқса, тўйхонанинг миждозлар учун қулай тарзда қурилгани мақтовга сазовор бўлмоқда.

Яъни иккинчи қаватдаги тўйхонанинг улкан зали ёнида ошхона ҳам бор. Таомлар қозондан сузилади дастурхонга тарқатилади. Айниқса, катта тажрибага эга ошпазлар пишираётган таомлар ҳам кўпчиликка манзур. Асрор Нўъмонов саҳоватпешаликни бу ерда ҳам йўлга қўйган. Тўйхонадан фойдаланганда камраж оилалардан олинган ҳақ анча камайтириб қўйилган. Ахир тўйхона ишга тушгач, Меҳриниссо ая Асрорни ёнига ўтказиб шундай деган эди:

– Уғлим, ўзбекнинг мард гапидан синалади, деган гап бор. Мана сен ҳам тадбиркорлик майдоида тобланиб, сиювдан ўтдинг. Эл-юрт орасида обрўйинг орди. Кошонанг пештоқига отангнинг номини ёздириб қўйдим. Мен учун гўё отанг қайтадан туғилгандек бўлди. Чин ўғлон мана шундай ишлар қилади, болам!

– Раҳмат, онажон! Булар ҳаммаси езининг тарбиянгиз, панд-насихатларингиз, таълимингиз, ҳалол едириб-чиқарганингиз натижаси. Отам вафот этганида гўдак эдим, меҳ-

рига ҳам яхши тўймаганман.

– Мен бир сабабчиман холос. Бари яхшилик Яратган Эгамдан. Дилнинг янаёқ пок тутиб, саҳоватпешаликни қанда қилмасанг, буёғига ҳам асло кам бўлмайсан.

Она-бола юзларига фотиҳа тортиб қўйинди. Асрор янаям меҳри жўшиб, Меҳриниссо аянинг нуруний чеҳрасига термуларкан:

– Онажон, сизнинг дуоларингиз, насихатларингиз ҳаётимга дастуриламал бўлди. Бахтимизга доим омон бўлинг. Сизнинг дуоларингиз, билан бунидан ҳам кўпроқ хайрли ишларни амалга ошираверайлик, – деган эди.

Шу сўзлардан кейин онахонинг нуруний чеҳрасида болаларга қувонч акс этди. Бу юз ёшга кирган табаррук инсоннинг ўз ҳаётини, фарзандларидан, уларнинг савоб ишларидан жуда мамнунлигидан далолат эди...

Афсуски, орадан кўп ўтмай олтиш беш ёнида Асрор Нўъмонов бандадан бўлиб кеттирди. Ундан қолган ёрқин хотиралар, ибратли турмуш тарзи фарзандлари, қариндош-уруғлари, дўст-ёрлари, шогирдлари қалбда муҳрланб қолди. Маҳалладошлар эл ардоқлаган саҳоватпеша инсоннинг номини узоқ йиллар хотирлаши учун тўйхонани «Нигмон ота ўғли Асрор гузар» деб ўзгартиришмоқчи. Ҳа, яхшининг номи унутилмади, эзгу ишлар беиз кетмайди, деганлари шуда.

Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ.

16 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

УЗБЕКИСТОН
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ташкилотлар»
8.50 «Олтин мерос»
8.55 «Одам ва одам» дастури: «Шопен».

ЁШЛАР
15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Мафтунок ва бетакор».

ТОШКЕНТ
17.50 Кўрсатувлар тўғрисида.
17.55 Мультифильм: «Шумтакалар».

СПОРТ
7.00 «Бодро утрос».
8.05 ПрофРИИП.
9.00 «Талкин».

20 АПРЕЛЬ, ЖУМА

УЗБЕКИСТОН
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».

ЁШЛАР
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Давринг боласи».

ТОШКЕНТ
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе».

СПОРТ
7.00 «Бодро утрос».
8.05 «Малахов +».

17 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

УЗБЕКИСТОН
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».

ЁШЛАР
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Давринг боласи».

ТОШКЕНТ
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе».

СПОРТ
7.00 «Бодро утрос».
8.05 «Малахов +».

21 АПРЕЛЬ, ШАНБА

УЗБЕКИСТОН
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».

ЁШЛАР
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Давринг боласи».

ТОШКЕНТ
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе».

СПОРТ
7.30 «Хабарлар».

18 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

УЗБЕКИСТОН
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».

ЁШЛАР
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Давринг боласи».

ТОШКЕНТ
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе».

СПОРТ
7.00 «Бодро утрос».
8.05 «Малахов +».

22 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

УЗБЕКИСТОН
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».

ЁШЛАР
7.00 «Эмгир симфонияси».

ТОШКЕНТ
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе».

СПОРТ
7.30 «Хабарлар».

19 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

УЗБЕКИСТОН
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».

ЁШЛАР
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Давринг боласи».

ТОШКЕНТ
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе».

СПОРТ
7.00 «Бодро утрос».
8.05 «Малахов +».

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН Неделе окажется яркой, динамичной и продуктивной. Вы будете много общаться.
ТЕЛЕЦ Благоприятное время для решения старых проблем и создания новых.
БЛИЗНЕЦ Рассчитывайте на помощь друзей, но постарайтесь не ввязываться в ссоры.
РАК Настроение может оказаться абсолютно неравным.
ЛЕВ Возможно знакомство с интересными людьми.
ДЕВА Постарайтесь помнить планы на неделю.
ВЕСЫ Скромность будет укрывать вас и избавит от ненужных и конфликтных ситуаций.
СКОРПИОН В начале недели постарайтесь быть пунктуальнее и не откладывайте на работу.
СТРЕЛЕЦ Вас будут радовать встречи с друзьями.
КОЗЕРОГ Вероятны конфликтные ситуации.
ВОДОЛЕЙ Наступает важный период, в течение которого вас ожидает значительное продвижение в делах.
РЫБЫ Постарайтесь адекватно соизмерять силы.

МАҚОМ ВА МАҲОРАТ СИРЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Илгари чинакам ҳофизлик маҳоратига эга бўлмаган, халқ этнотрофи қозонмаган хонанда юксак унвонларга лойиқ кўрилмасди. Асрлар мобайнида нима сабабдан мақомга бу қадар катта эътибор берилган ва бунинг аҳамияти нимадан иборат эди? Чунки мақом халқ томонидан яратилган мангу мусиқий бисотдир. Унда халқнинг иймон-эътиқоди, узоқ тарихи, қисмати, ўқинч ва изтироблари, дарду ноалари, қайғу-аламлари, муҳаббат ва ҳижрон нидолари, истиқбол уйлари, орзу ва армонлари бутун мураккаблиги, мукаммаллиги билан баралла акс этган. Мақомларда халқнинг руҳияти ўзининг мусиқий ифодасини топган. Шунингдек, уларда халқнинг миллий ўзига хослиги – менталитети, характери, дунёқарashi, табияти, ахлоқ-одоби, миллий мафқураси тўла ва яққол мужассамлашган. Шунинг учун халқнинг миллий руҳиятидан узоқ одам мақомни тингламайди ҳам, тушунамайди ҳам, ижро ҳам этмайди. Аксинча, халқ руҳиятидаги, халқ билан ҳамлард, ҳамфикр киши эса мақомсиз яшай олмайди. Мақом улкан тарбиявий моҳиятга эга. У инсонда миллий руҳиятни, миллий ахлоқни, миллий мафқурани шакллантирадиган ноёб воситадир.

Мумтоз бадний асарларга куй басталаб ҳосил қилинган мақом ашуллари эса адабий мерос намуналари мазмунини ўзлаштиришга, халқнинг онги ва руҳиятига сингдиришга катта ёрдам беради. Бу менинг шахсий ҳаётим тажрибам, адабиётшунослик ихтисосим ва педагогик малакамдан келиб чиққан хулосам. Зиёлилар талқинида бадний асарни қиёмга етказиб ифодали ўқиш – ярим таҳлил, деган нақд юради. Ҳақиқатан, бу – ҳикматли фикр. Чунки, бундай бадний ўқишда нотик шеърни вазиғга солиб ўқийди. Матндаги ҳар бир сўзни маъно ургуси талаблари га мувофиқ равишда маромига етказиб таллаффуз этади. Демак, ифодали ўқишнинг ўзиёқ тингловчи га бадний асарнинг мазмуни ҳақида етарли тушунча бериши мумкин. Бадний асарнинг мақом куйларига солиниб, маҳорат билан ижро этилиши эса матн мазмунининг янада кенроқ ва таъсирлироқ шарҳланишига хизмат қилади. Шахсан мен ўзбек мумтоз адабиёти мутахассиси бўлишимни мақом куйлари билан айтиладиган бадний асарлар таъсирига тасаввур этолмайман. Умуман, мумтоз адабиёт таълими ни мақом ашуллари билан равишда ўтказиш кам самара беради. Бундай усулдаги адабий таълим исталган натижани бермай келаётган. Дарсдаги адабий таҳлил учун асосан мақом куйлари билан айтиладиган ғазал ва бошқа жанрлардаги лирик асарлар танланиши мақсадга мувофиқ. Асар таҳлил этилган, албатта, унинг мақом йўлидаги ижроси синфда эшитирилиши зарур ва бу таҳлилни мустақамлашга хизмат қилади. Ҳозирги мактабларимизнинг техник жиҳатдан жиҳозланиши ва замонавий янги педагогик технология ҳамда педагогик маҳорат талаблари ҳам шуну тақозо этади.

Шунинг учун ҳам биз ана шу мушоҳадлардан келиб чиқиб, 10-синф «Ўзбек адабиёти» дарсига «Навой лирикаси» қисмини ёзганимизда, «Ун саккиз минг олам ошуби агар бошинидадур» мисраси билан бошланган ғазал таҳлилидан сўнг «Савол ва топшириқлар» сирасида шундай топшириқ берганимиз: «Шу ғазал асосида яратилган ва Берта Давидова томонидан ижро этилган ашулани дархонада тинглаб, мутолаа этинг». «Қаро кўзум...» ғазали таҳлилдан кейин эса куйидагича савол ва топшириқлар

берганимиз. 1. «Қаро кўзум...» ашуласини дархонада биргаликда тинглаб, мутолаа этинг. 2. Ушбу ашулани кимлар ижро этган? Кимнинг ижроси сизга кўпроқ ёқди? Ҳазилнинг бадний мазмуни кимнинг ижросида тўлароқ юзага чиққан? («Ўзбек адабиёти», 10-синф учун дарслик Т., «Ўқитувчи», 1999 йил ва кейинги яна уч нашри 55-93-бетлар). Аммо қайси ўқитувчи қандай амал қилаётганлиги бизга қоронғу.

Мабодо, адабий таҳлил жонли ижро билан тақомиллаштирилса, нур устига нур бўларди. Ҳаётда шундай муаллимлар ҳам бор. Адабиёт сабоғини бундай ўқитувчилардан олиш бахт. Масалан, бизга адабиётдан дарс берган муаллимимиз Саида Бақоеваннинг ҳасос қалблари ва жарангдор овозлари бор эди. Улар сўз аро айрим лирик асарларнинг (жумладан, Навоийнинг «Муножот»), Фурқатнинг «Сайдинг кўябер, сайёб» ашуллари билан парчаларни баралла жаранглатиб айтиб ўтардилар. Шундай лаёқатли шакллантириш мақсадида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрлайдиган олий ўқув юртида мақом бўйича махсус курслар ўқитилса, фойдалан холи бўлмади. Консерватория, маданият ва санъат олий ўқув юртида эса адабий таҳлилни кўпайтириш ҳамда кўчайтириш мақсада мувофиқ бўларди. Бу маҳорат сирларини ўзлаштириш учун нодир имкониятдир.

Санъат ўқув даргоҳларида мақом ва маҳорат сирларини махсус ўрганиш жуда муҳимдир. Бунда мақомдан моҳир ҳофизларимизнинг бевосита ўз сабоқларидан фойдаланишлари юқори натижа бериши тайин. Улар юксак ижро маҳоратига ҳам, мумтоз адабий асарлар ҳақидаги олий эстетик дид ва билимга ҳам эгалар. Бундай сабоқларни маъбуотда ҳам ташкил этиш мумкин. Масалан, атоқли мақом устаси Берта Давидованинг «Ҳайратга тушмай бўламанми» сарлавҳали икки энликина суҳбатларида («Ўз АС», 1990 йил, 21 сентябрь) анчангина маҳорат сирлари очилган.

Берта Давидова ҳар бир ашулани қиёмга етказиб куйларди. Унинг на ижро маҳоратида, на сўзларининг саҳиҳлигида, на маъно ургуларининг ўричилигида бирор камчилик сезилмайди. У ўз овози билан мумтоз ғазалларимиздаги бутун дардин борлиғича ифода-лаб бера олган. Бунинг сехру синоати нимада экан? Ҳофиз маҳоратининг асосий сирни адабий мутолаада, бадний сўзининг маъно микс-ларига, мағиз-мағизга кириб боришида. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Кўшиқ айтаганда, айниқса, мақом куйлаганда сўзларни тушуниб, мағзини чақиб айтиш лозим. Ўзим ҳаминша классикага мурожаат қилганимда, биринчи ишим ғазали бошдан оёқ мутолаа қилиш бўларди. Менга бу масалада устозим Юнус ака доимо ёрдам бериб келганлар. Улар тушунтиришдан ҳеч қачон эринмасдилар. Қани энди ҳозир ҳам ана шундай кишилар кўпроқ бўлса». Бу гаплардан мақом ва маҳоратнинг икки сирини ўқиб олиш мумкин. Асосийси шуки, ҳофиз биринчи навбатда бадний асар матнини мустақил равишда, лугат ёрдамида бошдан оёқ мутолаа қилиши зарур экан. Иккинчидан, санъаткорларимиз классик матн мазмунини мукамал ўзлаштиришларида қилиб қирқ ёрайдиган бир устозга эҳтиёж бор экан. Бунда, шубҳасиз, қуеурли матнга йўлиқиб қолишдан сақланиш, хатосиз матни танлаб топиш ҳам катта аҳамиятга эга. Булар мақом ижроси бекаму кўст бўлишининг биринчи омилдир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фаълари доктори.
(Давоми бор).

ОЛАМ УЗРА ДОНФИ КЕТГАН ЗАМИНИМ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Жумладан, Афросиёбда олиб борилган ўзаро ҳамкорликдаги ишларнинг самараси ўлароқ, кўҳна Самарқанднинг 2750 йиллик тарихга эга эканлиги аниқланди. Балки шаҳарнинг ёши ундан ҳам қадимийроқдир. Лекин буни янада ойдинлаштириш учун мутахассислардан ниҳоятда катта меҳнат талаб қилинади. Қашқадарёда олиб борилган қазималар натижасида Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг тахминий ёши аниқланди. Бу ишларга нафақат ўзбекистонлик, балки АҚШ, германиялик олимларининг ҳам меҳнати сингди.

Урта аср ва антик давр ёдгорликларини ўрганишда Сурхондарё вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Япониялик, франциялик олимлар ҳамкорликда Кампиртепада қазимша ишларини олиб боришмоқда. Натижалар эса салмоқли. Бир неча ёдгорликлар топилган. Японлар билан Қоратепда олиб борилган қазималарда Кушон давлатига хос бўлган бир неча будда ибодатхоналари топилди. Қизил шундаки, олимлар будда ибодатхоналари билан бирга Кушон давлати чегараси Сурхондарё худудидан Қашқадарёга ўтмаганлигини аниқлашган. I-II асрда ҳукмронлик қилган Кушон давлати топилмалари Қашқадарё вилоятида учрамади. Шунингдек, Сурхондарёда французалар билан ҳамкорликда Термиз шаҳри ўрганиляпти. Эътиборлиси, археологлар бу ерда кемалар тўхтайдиган шаҳар бандаргоҳини топишган. Демак, бундан маълум бўладики, антик даврда бу шаҳарда кemasozлик саноати ривожланган бўлиб, шаҳар аҳолиси сув йўли орқали Хоразм, Афғонистон билан савдо-сотиқни йўлга қўйишган. Бу ишлар Археология институти директори фа н номзоди Шокир Пидаев бошчилигида амалга оширилмоқда.

Яқинда археологлар қадим шаҳар деворларини Шаҳрисабздан топишди. Лекин шаҳар ҳали тўлалигича очилгани йўқ. Юртимизда шаҳар типидagi қадим қишлоқлар ҳам жуда кўп. Бронза даврига хос бўлган шундай шаҳар Жарқўрғонда топилди. Албатта, шаҳар типига киратган қишлоқни тўла шаҳар дейишимизга ҳаққимиз йўқ.

Қадимги катта шаҳарлар энди ўрганиляпти. Австралияликлар билан ҳамкорликда Қорақалпоғистондан қадим Хоразм шаҳри топилди. Ушбу шаҳар ҳозирда ўрганиляпти.

Ёдгорликларнинг шаҳар эканлигини исботлайдиган турли ашёлар мавжуд. Масалан, Сурхондарёдаги қазималарда будда ибодатхонаси, шаҳарбайт будда ҳайкали топилди. Бундан ташқари керамикалар, тангалар топилди.

Марғилонда олиб борилган қазималарда оташпарастлик дини ибодатхонаси аниқланди. Бу эса ҳақиқатда ҳам шу ерда шаҳар бўлганлигини исботлайди. Чунки ибодатхона қишлоқда бунёд этилмаган.

Яна шундай оташпарастлик динининг энг катта ибодатхонаси академик Аҳмадали Асқаров бошчилигида олиб борилган қазималарда топилди. Маълум бўлишича, ушбу ибодатхонанинг тепасида туну кун ўчмасдан олов ётган. Унинг шувъаси 20-30 км. узоқликдаги кишига ҳам кўринаркан. Лекин бу ҳали ўз ибодатхонаси топилди. Чунки бундай йирик ибодатхоналар фақат Эрон ва Месопотамияда бўлган, деган баҳсли мунозара мавжуд.

Мамлакатимиздаги археологик қазималардан топилётган ёдгорликларга хоржиликларнинг қизиқиши катта. Бу ердаги ишлар ўзаро ҳамкорликда олиб борилаётганлиги боис, улар ҳам ҳар бир ангилликлар ҳақида ўз вақтида хабардор бўлишди. Ҳатто Япония, Франция, Германияда юртимиздаги археологик топилмалар борасида кўплаб рисоалар чоп қилинган. Қолаверса, илмий анжуманларда хоржиликлар бу борда янада кўпроқ маълумотга эга бўлишди.

Ҳа, сир-асрорларга тўла қадим юртимиз, ўрганилган сари сайқал топиб, бой тарихи, бой маданияти билан янада эътиборга сазовор бўлмоқда.

Комилжон ҲАСАНОВ.

Дунё – кўҳна бешик

БУ ЕВРОПА, БУ ОСИЁ... ЕР – ЖОНЛИ ОРГАНИЗМ

(Бешинчи мақола)

Охириги ўн йилликларда инсониятнинг келажақда яшашини учун ўзга сайёралар ва галактикалардан макон излашга бағишланган илмий-фантастик асарлар кўпайиб қолди. Уларни илгари сураётган олим ва ёзувчилардаги инсоният келажагидан ташвишлиниш туйғуларини тушунаман, албатта. Афсуски, бундай фикрлар – улар қанчалик жозибали ва юракларни энтиктирувчи таҳайюл кучига эга бўлмасин, фақат соф назарий қимматга эга бўлиб, инсонларни мушоҳадага ундашдан бошқа нарсаси ярамайди. Бундай ярим илмий ва фантастик ҳаёлотга ишончи инсонларда она сайёрамизга нисбатан лоқайд – вақтинчалик бошпанага бўлгани сингари муносабатнинг шаклланишига олиб келади. Бундангиди гайриилмий фикрлар инсонларда жирканч худқ-атворни юзага келтиради. Уларда сайёрамиз ва унинг табиий бойликларига нисбатан шафқатсиз истеъмолчилик психологияси шаклланади. Ишончимиз комил бўлсинки, биз ва биздан кейин келадиган авлодлар фақат шу заминда умргузаронлик қиладилар. Албатта, башариёт вақиллари борган сари чексиз коинотнинг янада олиероқ минтақаларига бевосита фазовий кемаларда парвоз қилиб ва билвосита ўз тафаккурларига асосланган назарий билиш йўли билан кириб бориб, янгидан-янги кашфиётларни сайёҳ тадқиқотчи сифатида амалга ошираверадилар. Биз учун эса, қанча замоналар авлодлар назар «шу буюк сайёра – ягона Ватан» бўлиб қолаверадилар.

Ер сайёраси моҳиятан тирик организм ҳисобланади. Биз сайёрамиздаги мавжуд нарсаларни организм ва ноорганизм моддалар, деб икки қисмга бўлиб ўрганимиз. Гарчи бу нисбатан жонсиз – ноорганизм усурлар миқдор жиҳатдан кўп бўлса-да, заманимиз биокимёвий жиҳатдан тирик организм ҳисобланади. Агар муаммога фалсафий нуқтаи назардан кенроқ назар ташлаб, магниткий мушоҳада юритганимизда ҳам, бунга ишонч ҳосил қиламиз: жонсиз муҳитда ҳаёт бўлиши мумкин эмас! Қолаверса, одамзод ўз нигоҳини қанчалик олис коинот бўшлиқларига қаратган бўлмасин, ўзини дунёга келтирган ва асраб келаётган замин – Ер сайёраси ҳақидаги билимларимиз ҳаминқадар оз. Биргина мисол, одамзод фақат геология

нуқтаи назаридангина бу замин бағрининг бир неча чақиримгина ичкарасига кира олди, холос. Унинг пасти қатламлари ва айниқса, ядросида кечадиган жараёнлар ҳақидаги илмий хулосалар нари борса, гипотеза, яъни илмий тахминлардир. Кейинги йилларда физика соҳасидаги тадқиқотлар сайёрамиздаги ҳаётни таъминлаб турган муҳим омиллардан бири – Ерининг магнит майдонини унинг ядросида кечадиган жараёнлар билан тўғридан-тўғри боғлиқлигини исботлади.

Кейинги вақтларда омвий ахборот воситаларида сайёрамиз экологиясининг ёмонлашаётганлиги ва асосий энергия манбалари бўлган кўмир, нефть ҳамда табиий газнинг тобора камайиб бораётганлиги ҳақида ташвиш ва хавотир билан кўп гапириляпти. Бу табиий, албатта. Чунки ҳозирги ҳаётимиз мазкур табиий захираларнинг мавжудлигига ва ишлаб чиқарилишига мулқо боғлиқ. Шунинг учун ҳам баъзи бир илмий-оммалоб ва сиёсий-иқтисодий адабиётларда давримизга нисбатан «нефть цивилизацияси» атмасининг ишлатилаётганлигига ажабланмас ҳам бўлади. Бундай муносабат тўғри, албатта. Аммо қайта тикланмайдиган табиий захиралар бўлган мазкур манбаларнинг тугаб боришидан ҳам кўра, уларнинг қазиб олинини ва ишлатилиши оқибатида ердаги табиий мувозанатнинг бузилиши ҳаётга кўпроқ таҳдид солади, дейиш мантқан тўғрироқ бўларди. Кўмир, нефть ва табиий газнинг ёниши натижасида углерод, азот ҳамда бошқа кимёвий моддалар ҳосил бўлади. Бу нарса ердаги табиий мувозанатни бузувчи салбий ўзгаришларни ҳосил қилади. Мазкур муаммолар устида узоқ йиллар тадқиқотлар олиб борган рус олими В.Вернадский шундай деб ёзди: «Маданиятнинг ривожланиб бориши билан инсоннинг сайёрамиз табиий манзарасининг ўзгаришига олиб келувчи таъсири ҳам ўз-ўзидан ошиб боради. Ер юзаси шаҳарлар ва экин майдонлари билан қоплана боради. Натижада унинг кимёвий таркиби кескин ўзгаради. Кимёвий жараёнлар характери ва маҳсулотлар кимёвий таркибини ўзгариштириш билан инсон космик кўламдаги ишни амалга оширади». Олим бу фикрларини жуда

катта ҳадик ва хавотир билан бундан юз йил аввал ёзган эди. В.Вернадский яна инсоннинг атроф-муҳитга кўрсатилган салбий таъсири натижасида табиятда микроорганизмларнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлишини башорат қилган эди. Охириги ўн йилликларда СПИД, парранда гриппи каби кўплаб бедаво касалликларнинг пайдо бўлганлиги олимнинг қанчалик ҳақ бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Ўзининг ўйлаб кўринг – инсоният бу энергия манбаларидан охириги ўн йилликларда, айниқса, охириги ўн йилликлар даврида жадвал суратда фойдалана бошлади. Унгача эса бу табиий захиралардан деярли фойдаланилмади. Агар инсоният тарихига назар таштайдиган бўлсак, одамзод турли даврларда ҳар хил предметлардан энг кўп даражада фойдаланганлигини кўришимиз мумкин. Тош даврида асосий меҳнат қуроллари тошдан, темир ва бронза даврида эса, иш анжумлари мазкур металллардан ясалган. Кейинчалик уларнинг ўрнини бошқа нарсалар эгаллади. Лекин уларнинг биронтаси ҳам охиригача тугаб битгани йўқ. Энди ҳам шундай бўлади – нефть ва табиий газ тугамасдан туриб, одамзод энергиянинг бошқа манбаларини ўйлаб топади! Ҳозир бу йўлда маълум ишлар амалга оширилди: атом энергетикасига асос солинди, Кўеиш энергиясидан фойдаланиш ва термоядро реакторларини яратиш устида самарали илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Табиатнинг энг асосий таянч қонунаридан бири – кимёвий элементлар даврий жадвалининг асосини Д.Менделеев нефтдан ёқилги сифатида фойдаланишни пулни ёқишга қиёслаган эди. Ҳақиқатан ҳам, бу ноёб кимёвий бирикмадан ёқилги ўрнида фойдаланиш кўп ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Нима учун? Шунинг учунки, биринчидан, нефть қайта тикланмайдиган табиий бойлик бўлса, иккинчидан, у шунчалик ноёб кимёвий таркибга ва тузилишга эга бўлган минералки, ундан ёқилгидан кўра қимматроқ ва фойдалироқ юзлаб турдаги маҳсулотлар олиш мумкин. Учинчидан эса, ер бағрида ётган нефть, кўмир, табиий газ ва бошқа минерал хом ашё захиралари шунчаки мавжуд бў-

лишликдан ташқари бутун сайёрамиз биоэкоцистемидаги табиий мувозанатнинг муҳим омиди бўлиб, бу муаммони ўрганиш ер ҳақидаги фанларнинг келгусидаги вазифалари сирасига кирди.

Қадим замоналар инсон ва табиий муҳит ўртасида ўзига хос мутаносиблик мавжуд эди. Техник ва ижтимоий тараққиёт бу мувозанатга путур етказди. Тўғри, кўҳна даврларда ҳам инсонлар фаолияти оқибатида атроф-муҳитга зарар етказилган, бироқ аждодаларимизнинг экологияга етказган салбий таъсири – зарари қисқа вақт ичиде қайта тикланган. Бунинг сабабларини куйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, табиий муҳит соғлом бўлган; иккинчидан, етказилган зарар кўлами катта бўлмаган; учинчидан, бу таъсир муҳитнинг биокимёвий таркибининг ўзгаришидан даражада эмас эди; тўртинчидан, дунё аҳолиси жуда кам эди; бешинчидан, ўсимлик ва ҳайвонот оламига мансуб организм турларининг барчаси ҳали тўлиқ сақланган эди; ва ниҳоят олтинчидан, катта шаҳар ҳамда мегаполислар бўлмаган.

Табиий муҳитнинг соғломлаштириш учун инсоннинг ўзини маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўзгариштириш керак, деган фикр нафақат экологлар, балки бошқа соҳа вақиллари томонидан ҳам борган сари қатъий қилиб айтилмоқда. Бунинг исботи сифатида шунини айтиш мумкинки, охириги йилларда илмий ва сиёсий адабиётларда, ҳатто омвий ахборот воситаларида ҳам «экологик этика», «табиат этикаси» сингари фалсафий-ахлоқий мазмунидаги янги тушунарлар пайдо бўлди. Бу тушунарлар қайен нуқтаи назардан баён этилмасин, уларнинг асосида «табиий муҳитнинг соғломлиги учун инсоннинг ўзи масъулдир» деган гоя ётади. Ҳурматли ўқувчимиз бундай ёндашувнинг нечоғлиқ тўғрилигига шубҳа бўлмаса керак, деб ўйлайман. Шундай нарсалар ҳақида ўйлаганимизда кўнглинг таскин топади – демак, одамзод она сайёрамиз, демакки, келгуси авлодлар тақдирига беварқ эмас!

Подполковник ЧОРИ НАСРИДИНОВ,
доцент.



ҲАФТА ГҶЗАЛИ

Бу галги «Ҳафта гўзали» ётаклигини тошкентлик Нилуфар Ортиқова эгаллади...


ПРОЯВЛЯЯ ЗАБОТУ О ЗДОРОВЬЕ МОЛОДЕЖИ

В Ташкентском университете информационных технологий состоялась встреча на тему «Молодежь и здоровье».

В ней приняли участие профессора и преподаватели университета, студенты, специалисты Ташкентского городского центра СПИДа...

На мероприятии речь шла о негативных последствиях заболевания СПИДом, его предотвращении, сотрудничестве в этом деле государственных, общественных организаций...

Б.ХИДИРОВА, УЗА.



ФАХРИЯ

Ассалом, она юрт, тонглар ўлкаси, Таъриф-тавсифингни йўқ ниҳояси...

То башар бор экан, бор экан қуёш, Билдишган элга ё отолмағай тош...

Қўнма ота юртим, қадим Туроним, Ўз бешик, ўз тилим, шавкатим, шайним...

Гулинг гулзор бўлсин, қирларинг ўрмон, Дарёларинг денгиз, кўларинг уммон...

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

«Шункорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари

ЧИНИҚАДИ, ТОБЛАНАДИ ЙИГИТЛАР БУНДА

Катта ҳаёт оғонасида турган йигитларнинг жисмонан соғлом бўлиб етишишида, уларнинг юртга садоқати ва фидойи бўлиб камол топишида...

рафия ва ҳарбий техника фаълари бўйича ўз билимларини намойиш қилган мусобақа иштирокчилари сўнгра, нажтимоий-сиёсий ва тайёргарликдан, умумҳарбий нигомлрдан берилган саволларга жавоб беришди...

Сейман НАЗАРОВ.

Велоспорт. Открытый чемпионат Узбекистана

УДАЧНЫЙ СТАРТ АРМЕЙЦЕВ

На дорогах Ташкентской области с 9 по 14 апреля проходит открытый чемпионат Республики Узбекистан по многодневной велогонке среди мужчин...

вал Вадим Вдовин из Северо-Казакстанской области. На второй день состоялась групповая гонка на 120 километров...

Худжат ТУХВАТУЛИН, заслуженный тренер Республики Узбекистан, старший тренер МХСК по велоспорту.

Футбол. Осие чемпионлари лигаси

«БУНДАЙ ЎЙИННИ КУТМАГАНДИК...»



Чоршанба куни МХСК ўйингоҳига яхши ниятлар билан келган минглаб футбол мухлислари Тошкентнинг «Пахтакор» ва Саудия Арабистонининг «Ал-Хилол» жамоалари ўртасида ўтган 3-тур учрашувидан сўнг ана шундай сўзлар билан ўйингоҳни тарк этдилар десак...

«Пахтакор» ўйинининг дастлабки дақиқаларида ташаббусни меҳмонларга бериб қўйди. «Ал-Хилол» футболчилари учрашувга яхши тайёргарлик кўриб келишганини исботлаб...

қикаларида кетма-кет иккита тўп киритишга муваффақ бўлган меҳмонлар 2:0 ҳисобида муҳим галабани қўлга киритишди...

қатарликларнинг бразилиялик легионери Эмерсон киритган тўплар «Ал-Садд» жамоасига 2:0 ҳисобида галаба келтирди...

М.САЙДИВАЛИЕВ.

В ЛИДЕРАХ — КОМАНДА «ХУМО»



Недавно на базе войсковой части проведен городской этап военно-спортивной игры «Шункорлар», где спорили за первенство представители учебных заведений города Самарканда.

Молодежь состязалась в строевой выправке, исполнении строевой песни, составлении альбомов и вимпелов, знаниях по общевоспитательно-политической подготовке...

— Ребята порадовали своим юношеским задором и огромным желанием победить, высоким уровнем подготовки, — рассказывает представитель школы подготовки сержантов офицер Сейфат Сулейманов...

Кстати, областной этап также планируется провести здесь. У командования данного воинского коллектива прочные традиции сотрудничества с общественными организациями города и области в деле патриотического воспитания...

Майор Анвар ИЛЬЯСОВ. Фото из архива школы подготовки сержантов.

Футбол. Лига чемпионов Европы

БУДЕТ ЛИ АНГЛИЙСКИЙ ФИНАЛ?

Прошедшие на этой неделе четвертьфинальные матчи Лиги чемпионов Европы со всей очевидностью показали: вероятность чисто британского финала теперь довольно высока.

Первым гарантировал себе место в четверке сильнейших «Ливерпуль», уже в гостевом матче со счетом 3:0 переигравший голландский ПСВ «Эйндховен»...

были просто несудержимы. Кстати, на римском стадионе местные стражи порядка довольно жестко обошлись с британскими фанатами...

В схожей ситуации находился и «Милан», дома сыгравший со счетом 2:2 с «Баварией». Мюнхенские поклонники футбола уже вспоминали финал Лиги чемпионов с участием своей команды и «МЮ»...

Соб. инф.

